Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 10 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 25 (6722)

Даъват

Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.

Амир ТЕМУР

Ибрат

Узбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатдан баланддир. Ватанга хизматкор бўлайлик! Нақадар буюк замонда яшаётганимизни унутмайлик!

Ислом КАРИМОВ

Тест синови — 96

Бу йил ҳам Узбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига республикамизда анъанага айланиб қолган баллар рейтинги тизими асосида, тест синовларида жамлаган балларига кўра абитуриентлар қабул қилинади.

Мактаб, ҳунар-техника билим юртларининг битирувчиларини ёзги тест синовларига ўз вақтида сифатли тайёрлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази 1995 йилда ўтказилган тест синовларида фанлар, мавзулар бўйича абитуриентларнинг йўл қўйган характерли хато ва камчиликлари таҳлилини, уларни бартараф этиш бўйича тавсияномаларни «Маърифат» газетасида чоп этишни режалаштирди. Қуйида тарих фанига оид мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

ТАРИХ

Ҳозирги кунда ҳар биримиз учун тарихни, айниқса, Ватан тарихини, шунингдек, жаҳон тарихи ва маданиятини билиш ва ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Тарихга фикран назар ташлайдиган бўлсак, Узбекистон халқлари тарихи ва жаҳон тарихининг ибтидоий жамоа тузуми даври юз минглаб йилларни, илк давлатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи бир неча минг йилларни кейинги ривожланиш даври юзлаб ва замонамизга яқинлашган сайин бу тарих ўнлаб ва бир неча йилларни қамраб олганлигини кузатишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам тарихнинг даврлаштирилиши ва хронологиясини, тарихий воқеалар, рақамлар ва далилларни, воқеаларнинг сабаблари ва аҳамияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини билиш, шунингдек, баъзи тарихий воқеаларнинг боғлиқлиги ва уларни бир-бири билан солиштириб таққослаш жуда муҳимдир.

Тест топшириқлари абитуриентдан ўрта мактаб дастури доирасида билимлар бўлишини, ўрта мактаб дарсликларида мавжуд бўлган материалларни пухта эгаллашини, шунингдек, вақтли матбуотда ёритилаётган замонавий тарихнинг муҳим масалаларини билишни талаб этади. Абитуриентнинг ўрта мактабларда тавсия этилган тарихий адабиётларни ўрганиш тест топшириқларини муваффақиятли бажаришига катта имкон туғдиради.

Абитуриентларнинг тарих бўйича билимларини баҳолаш муқобил (алтернатив — бир-бирига ухшаш) жавоблари бўлган тест топшириқлари орқали аниқланади. Абитуриент ҳар бир топшириқдаги бешта жавобни диққат билан таҳлил қилиб, улар орасидан аниқ ва тўғри жавобни топиши лозим.

Топшириқлар Узбекистон халқлари тарихи ва жаҳон тарихининг ибтидоий жамоа тузуми давридан то ҳозирги кунга қадар бўлган тарихий даврни ўз ичига олади. Тестлар ёрдамида абитуриентнинг тарихий даврлаштириш ва хронология, тарихий атамаларни билиш ва аниқлаш, тарихий тушунчалар, тарихий воқеалар ва рақамлар, умумий жараёнлар, жамият, халқлар ва давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишини чуқур билиши аниқланади.

Мактаб дастури доирасида бўлган баъзи саволлар таҳлил қила билиш қобилиятини, тарихий қиёслаш, тарихий материалларни умумлаштириш ва ва тарихий воқеаларнинг айрим ўзига хос хусусиятларини аниқлашини талаб этади.

Узбекистон халқлари тарихидан берилган тест топшириқларига, айниқса, алоҳида эътибор бериш лозим. Бу топшириқларга жавоб бераётган абитуриент нафақат мактаб дастури материаллари, балки вақтли матбуот (газеталар, журналлар), Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларидаги ҳамда республика раҳбариятининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига доир муҳим воқеалар, қарорларини ҳам билиши ва ўрганиши лозим.

Айрим абитуриентлар аниқ саналар ва тарихнинг умумий хронология билан боғлиқ бўлган саволларни иккинчи даражали деб ҳисоблайдилар. Аммо аниқ саналарни билиш айрим воқеалар бўлиб ўтган давр ҳақида тасаввур пайдо этади. Ундан ташқари, барча халқлар тарихида улар доимо мағрурланиб ва эслаб юрадиган саналар бор.

(Давоми 2-бетда)

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун



ШУУРИМИЗДА ВАТАН

Тошлоқ ерни гулзор кўрар руҳ
Ва тан туғ илар —
Ўтқазади оддий бир кўчат.
Вужуд парвона. Қақраган юракда
Ватан туғилар —
Тошлоқ Ерни гулзор кўрар руҳ...

Инсон руҳида ўсгувчи дарахт — Ватан тушунчасининг томирлари юракда бўлади. Ва дарахт нечоғли яшноқ бўлса, бизни бағрига олмиш юрт шунчалар суюкли ёхуд бизни бағрига олмиш юрт нечоғли гўзал бўлса, шуурримиздаги дарахт шунчалик яшил ва яшноқдир. Биз Ватан гўзалликларини кўриб уни суямиз, аксича, Ватанга нисбатан мукаммал муҳаббат унда мислсиз гўзалликлар кашф этади. Ўз навбатида ҳаёт гўзаллиги ҳақида тўхталар бўлсак, Ватан учун курашда фидокорлик кўрсата билиш гўзал ҳаётнинг энг юксак намунасидир — доноларнинг айтуви шул. Зеро, инсон ҳаётини, инсон қалбини Ватандан айро тасаввур этиб бўлмайди. Ватан ишқининг томирлари тутмаган юрак эса бир қақроқ чўл кабидир. Унинг осмонида яхши ният янглиғ на бир қуш учгай, на бағрида савоб каби бир гиёҳ унгай...

Боғида меҳр билан бир туп кўчат парвариш қилаётган инсон Ватанга муҳаббатлидир. Боласини суюб бағрига босаётган инсон чинакам ватанпарвар... Алқисса, нимарсалар ёки кимарсаларга нисбатан бўлган инсоний меҳрнинг барчаси ҳам том маънода Ватанга бўлган муҳаббатдир.

Дарвоқе, биз кўпинча ватанпарварлик ҳақида гапирар бўлсак, даставвал, кўз ўнгимизда ҳарбий хизмат гавдаланади. Инчунун, ҳарбий хизмат — қалбимиздаги Ватан севгисининг зоҳири, тартибли кўринишидир. Қолаверса, бул — севгининг яна бир суврати — Ватан ҳимояси — ёр, оила, орномус ҳимоясидир. Бас, шунга интилайликки, фарзанд Ватанни мукаммал сева, ҳимоя қила олсин! Зеро, чин ватанпарварликнинг таърифи шундай: маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Икром ИСКАНДАР.

Муносабат

Сўнгги кунларда Россияда бўлаётган воқеалар, Дума қабул қилган қарор, сиёсий арбобларнинг таклифлари ва ҳоказо шунга ўхшаш ишларга ном излаб «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни узоқ варақладим. Бу воқеаларнинг тарихий илдизларини хаёлдан ўтказиб, уларни «МАКР» дея номласам «ҳийла»сию «найранги», «алдовию» «лўттибоз»лиги, «фириб»и қолиб кетиб, номуносиб баҳолаб қўйгандек бўламан. Чунки бу қилмишларнинг изоҳи кенг, тарихи узун. Масалан, 1716 йилда

ДАСИСА

Пётр I томонидан Бухоро ва Хива хонликлари тасарруфидаги Қизилқум чўлига княз Бекович-Черкасский бошчилигида юборилган олти минг кишидан иборат биринчи ҳарбий экспедиция... **ҳарбий ҳийла**га киради. Пётрнинг васияти (Ҳинд океанига чиқиш) эса **макрнинг авлодларга қолдириш тартиби**дир. Ўзининг ахлоқий енгилтаклиги билан тарихда ном қолдирган Екатерина II амри билан 1787 йилда Қуръоннинг арабча матни, сўнгра унинг русча таржимаси чоп этилгани **макрнинг мукаммал кўриниши** бўлиб, бу мусулмон қалбини маҳв этиш ниятида амалга оширилган иш ҳисобланади... Туркистоннинг босиб олиниши ҳам **ҳарбий ҳийла**нинг натижаси... руслаштириш сиёсати эса миллатни йўқ қилиш йўлидаги **айёрлик...** 1917 йилдан кейинги сиёсат қизил либосдаги эски **лўттибозлик...** 1937 йилгача халқни **алдаб, фириб** бериб, миллатнинг мияси бўлмиш зиёлиларнинг қатл қилиниши **иблисона макр** маҳсулидир. Буларнинг бари Туркистонга нисбатан бўлган **энг йирик макрлар...** Биз санамаган ва ҳали билиб улгурмаган макрчалар, лўттибозликлар, такаббурликлар кўп бўлса керак.

СССР қулади, лекин макр йўқолмади. У бошқача либос кийиб МДҲга аралашмоқчи бўлди, қўлидан келмади. Шунда Россия Давлат Думасида СССРни тиклашга монанд мантиқсиз қарор қабул қилинди-ю, макр яна ишга тушди. Бу гал у «интеграция» номи билан майдонга келди.

Дунё қизиқ экан, одамлари ундан ҳам. Бугун уларнинг бу қилмишларига нисбатан барча норозилигини баён қиляпти, лекин улар ўз фикрларида туравердилар. Эртага бу гаплар унутилади, лекин уларнинг мақсадлари ўзгармай қолаверади. Энг асосийси, булар АҚЛ билан амалга ошириляпти. Макрнинг ҳомийси ҳам такаббур ақл эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Нодоннинг сурбетлигидан хафа бўлмаслик мумкиндир, лекин ақлли сурбетданчи?

Эски тузумга қайтиш ёки янги бир кўринишдаги иттифоқ тузишда ҳаётининг яхши бўлишини ўйлаётган айрим ғофил банда «бу макр эмас, бунча ҳақоратлама уларни», дея бизга таъна тошини отиши мумкин. Келинг, масалага бошқачароқ ёндашайлик. Россиялик сиё-

(Давоми 2-бетда)

Тарих бугун биз учун нега керак? Улуғ аждодларимиз, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурга давлатимиз ва халқимиз нега бу қадар эҳтиром кўрсатмоқда? Чунки Ватан тарихи абадият мактабида доно муаллимдир. Зеро, Амир Темур жаҳоннинг ярми мудроқ уйқуда ётган ўрта асрлардаёқ миллий давлатчилигимизга асос солди. Эл ва улусларни бошини қовуштириб, дину диёнат, иймону эътиқод йўлида бирлаштирди. Улкан мамлакатни тўратузук — қонун асосида бошқариб, мустаҳкам адолат ўрнатди. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатда илму фан, маданият ривожланди. Кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилди, миллий меъморчиликнинг бетимсол намуналари бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур мамлакат қудратини юксалтирди, оламга машҳур қилди.

Алқисса, ёш, ҳуқуқий-демократик, мустақил давлатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётган ҳозирги пайтда донгил тарихимиз, шонли боболаримиз, буюк Соҳибқирон Амир Темур эрк ва адолат, миллий ғурур ва ватанпарварлик тимсолидир.

Шу ҳақдаги мақолалар билан 2- ва 3-саҳифаларда танишасиз.

Саховат

ОЛИМНИНГ СОВҒАСИ

ёки мурувватли кишилар

Вилоят ихтирочилик ва рационализаторлик Кенгашининг раиси, ҳужалик ҳисобидаги «Фарма — Флора» илмий ишлаб чиқариш марказининг бошлиғи, кимё фанлари номзоди Усмонжон Мирзаев Жалолқудуқ туманидаги 1-мактабда Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган хайрия кечасига ҳомийлик қилди. Шу куни у шахсий жамғармасидан мактаб биносини таъмирлаш ишлари учун кўп миқдорда нақд, элликка яқин муаллим ва кам даромадли оилалар фарзандларига чет элларда тикилган турли кийим — кечаклар ҳамда пойабзалларни совға қилди.

Аслида Усмонжон шу мактабда таълим олганди. Кейин у Тошкент давлат университетининг кимё қуллиетини битириб, Қозогистоннинг Алмати (Олмаота) шаҳрида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тўрт йил мобайнида Андижон давлат тиббиет олийгоҳида ишларга сабоқ берди. 1992 йили эса вилоят ихтирочилик ва рационализаторлик кенгашининг раислигига кўпчилик овоз билан сайланди. Айни пайтда тиришқоқ олим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фан доктори илмий даражасини олиш учун иш олиб бормоқда. Бу борада унга устозлари, машҳур олима Сайёра Рашидова ва академик Тўлқин Миркомиловлар яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Шу куни олимнинг ишлар билан учрашуви бўлди. Айниқса, унинг 1992 йилдан бери тўла ҳужалик ҳисобида ишлаётган «Фарма — Флора» илмий ишлаб чиқариш марказининг фаолияти ҳақида айтганлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Маълумки, мазкур марказ олимлари доривор гиёҳлар етиштиришга бел боғлаганлар. Шу тариқа дори — дармонлар танқислигини камайтиришга уринишмоқда. Аслида бу республика аҳамиятидаги муаммо. Ҳукуматимиз томонидан ана шу долзарб вазифани ижобий ҳал этишнинг чора — тадбирлари қурилмоқда.

Албатта, «Фарма — Флора» илмий ишлаб чиқариш марказининг олимларининг дастлабки ютуқлари ҳам бор. Масалан, олимлар Жанубий Кореядан «Маккон — Сано» номли доривор усимликнинг уруғини олиб келишиб экдилар ва яхши ҳосил олдилар. Улар Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» ширкатлар уюшмаси ва жамоа ҳужалиги ҳудудидан ун гектардан ортиқ ерни ижарага олишиб, 70 га яқин маҳаллий аҳолини иш билан таъминладилар. Етиштирилган доривор гиёҳни эса республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг рўхсатномаси асосида дорихоналар бошқармасига анча арзон нархда топширди.

Етиштирилган гиёҳдан тайёрланган доридан сариқ, қон босими, семизликнинг олдини олиш, кўз хиралашиш ва ич қотиш каби касалликларни даволашда фойдаланишмоқда. Айни пайтда, марказда етти нафар олим доришунослик ва усимликлар дунёсини ўрганиш бўйича илмий амалий ишларни бажаришмоқда.

Бу йилги Наврўзи олам — 1-мактаб ҳаётида унутилмас из қолдирди, — дейди йигитлишда иштирок этган туман халқ таълими бўлимининг мудири Абдурашид Ҳамроқулов, — чунки туман ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси депутати, мактабнинг собиқ ўқувчиси Манзурахон Эгамова ҳам ёрдам кўрсатди. Унинг сайъ-ҳаракатлари туфайли билим масканининг кўп йиллар бери қурилиши тўхтаб қолган йўлдош биносида иш бошлаб юборилди. Усмонжон Мирзаевнинг ҳиммати ва устозларига кўрсатган ҳурмати ҳам ўзига хос янгилик, таҳсинга лойиқ. Ўқитувчи меҳнатига муносабат сўзсиз ишлар тарбиясига ижобий таъсир этади.

Сафарали АБДУРАҲИМОВ,
Узбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Аҳс садо

Шу йил 17 январда «Маърифат» газетасида чоп этилган Гулчеҳра Жамилованинг «Билим — қунгил либоси» мақоласини ўқидим. Кўпдан буён мени ҳам ташвишлантириб келаётган мазкур масалага қўшимча тарзда қуйидагиларни баён қилмоқчиман.

Кутубхоначи бўлиб ишлайман. Шу сабабли иш юзасидан баъзан билим юртларига, мактабларга бориб туришга тўғри келади. Мактаблар остонасига қадам қўяр эканман, бисхиёр гўзал, беташвиш, беғубор болалигимни эслаб кетаман. Ҳозирги ўқувчи қизларга, болаларга қиёслайман. Биз — қизлар мактабга кўк форма, оқ фартук кийиб келар эдик. Ортиқча темир-тақалардан холи сочимизга ленталар тақилган, иккита ёки битта қилиб ўрилган бўлар эди.

Шуниси қизиқ эдики, баҳслашиб ўқир эдик. Айрим ўқитувчиларнинг дарсидан қониқмасак, синф раҳбаримиз Холмурод Ашуровга мурожаат этиб, бошқа ўқитувчи тайинланишини илтимос қилар эдик. Узимиз тенги ўқувчилар билан мусобақа, мушоира, баҳс уюштирардик. Айниқса, тарих, адабиет, математика, физика, химия, география фанларини жуда қизиқиш билан ўрганар эдик. Сабоқларда «аъло» баҳо олган кунимиз байрам бўларди! Ҳозирги айрим ўқувчиларнинг юриш-туришини, муомаласини кўриб ҳайрон бўламан. Чунки бу ёшларнинг баъзилари кийинди, узига оро бериш бобида устозларни-да орқада қолдириб кетишади. Танаффус вақталарида эса қизларнинг қўлларида ойна-тароқ, ҳар хил бўёқларни кўриб ажабланасан, киши. Дарсларни ўзлаштириш эса ўлда-жўлда. Кейинги 2-3 йил ичида олийгоҳларга ҳужжат топшириб, тест синовларидан муваффақиятли ўтаётган ёшларимиз жуда ҳам кам. Ёшлар ўз тиллари бўйича «тижорат», «бизнес» билан шуғулланишармиш. Бу ҳолат қачонгача давом этади? Қанақа янги модадаги кийим-бош урф бўлса (ёки материал) бу мактаб ўқувчиларининг эгнида. Баъзи мактаб директорлари билан шу хусусда суҳбатлашсангиз: «Иқтисодий қийинчилик даврида болаларга бир нарса деб айтиш қийин», дейишади. Хуш, унда нега нархи 1000 сум бўлган плаш, бир метри 250-300 сум бўлган қимматбаҳо материал ўқувчи қизларнинг, 500-1000 сумлик чет эл курткалари, 300-500 сумлик шимлар ўқувчи болаларнинг эгнида, деб ажабланасан киши. Аммо ясаниб олган йигитчага ёхуд қизгинага бирон фандан оддийгинлари савол беринг, жавоб ололмайсиз! Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидан ўтолмай, қайтиб келганларидан сўнг нима бўлди, деб сурасангиз: «Ҳақиқат йўқ экан, йиқитишди», жавобини эшитасиз. Бунда ота-оналарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам айби бор. Ёшликданоқ болани оддийликка, камтарликка, тўғрисўзликка, илмга қизиқтирган ҳолда тарбиялаласакгина, келажакда улардан биз кутган натижани олишимиз мумкин.

КИМ АЙБДОР?

Бу борада болага қўпроқ оиладаги муҳит ҳам сабабчи бўлади. деган фикрдаман. Ёш болага аввал ҳавас билан ялтироқ эгни-бош тайёрлаб берамиз. Шу тариқа улғайган сайин бола шунга қуникма ҳосил қила бораси. Натижада вояга етган сари ота-онадан қўпроқ кийим талаб қиладиган бўлади. Талаби бажарилмаса, уйдан, оиладан безиб, қуча боласи, чунтақ ўғриси, онадон ўғриси бўлиб етишади. Уша вақтда бошимизни қашлаб, уйга толамиз. Ким айбдор?

Ҳеч иккиланмай биз катталар, ота-оналар, маҳаллақўй, қуни-қўшни, устозлар айбдор, деб айтиш керак. Болалар ёш, эгилувчан ниҳол, уни қайси томонга қайирса — қайрилади. Лекин биз — катталар яхши томонга эгишимизга боғлиқ. Уларнинг қалби беғубор. Унга биз катталар гард юқтирамиз.

Меҳрибонлик уйлари кўпайиб кетди деймиз! Ҳуш, бунга ким айбдор? Болаларми? Ёш мурғак ҳаётдаги аччиқ қисматини билса дунёга келардими? Йўқ, бунга-да биз катталар айбдор эмасми? Шунга кўра одамларга қарата:

— Эй инсонлар, яхшилик, эзгулик ниҳолларини қадаб қўпайтиринги ҳаётда савоб ишларни қўпроқ қилингизки, сизга ҳам келажак авлоддан яхшилик қайтади, — деб айтгим келади.

Райҳон АШУРОВА,
Қашқадарё вилояти Қамаши қишлоқ хўжалик техникумининг кутубхона мудираси, хотин-қизлар кенгашининг раисаси.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Шунингдек, бу делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлишди.

⊛ Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

⊛ «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Маданият ишлари вазирлиги ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

⊛ «Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилди. Сессия 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилади.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида муборак ҳаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика комиссиясининг якунловчи йиғилиши бўлди.

⊛ Американинг машҳур «Рэнд корпорейшн» тадқиқот маркази Литва, Латвия ва Эстония НАТОнинг бошланғич кенгайиши жараёнида бу ташкилотга қабул қилинмаслигини таъкидлади. Бу тадқиқот АҚШ ҳукумати буюртмасига асосан ўтказилди.

⊛ Билл Клинтон ҳамда республикачилар партиясидан президентликка даъвогар Боб Доул ўртасидаги машҳурликдаги фарқ анча сезиларли даражада ортмоқда. «Таймс» журнали, CNN телекомпаниясининг жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган сўрови натижаларига кўра, агар сайловлар шу кунларда ўтказилса Билл Клинтонга сайловчиларнинг 55 фоизи, Доулга эса 41 фоизи овоз беришаркан.

⊛ «Америка овози»нинг хабар беришича, Ҳиндистондаги «Жаната дал» партияси умумсайлов мавсуми арафасида гапирувчи қушлардан ёрдам сўрамоқда. 100 га яқин тўтиқуш ҳозирда «Жаната дал» учун овоз беринглар!» дея хитоб қилишни машқ қилмоқда.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

«МАЪРИФАТ»НИНГ ЭГИЗАКЛАРИ

Қарши шаҳридаги 23-ўрта мактабнинг «Маърифат» газетаси номи билан атала бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда мазкур мактабда «Эгизаклар» иштирокида қизиқарли учрашув кечаси ўтказилди. Кеча, албатта, ўзига хос танлов асосида ташкил этилиб, унда мактабнинг 32 нафар эгизак ўғил-қизлари иштирок этишди. Танлов шартига кўра барча қатнашчилар адабиёт, санъат соҳасидаги ўз қобилиятларини кўпчилик қаршисида яна бир бор синаб кўришди.

Ҳайратланарлиси шундаки, эндигина 6-синфда ўқиётган эгизаклар Ҳасан-Зуҳра Элбоевлар бошқаларга нисбатан анча билимлироқ эканликларини кўрсатиб, танлов ғолиблари бўлишди.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Узбекистон туманидаги 37-ўрта мактабга тумандаги барча кимё-биология фани ўқитувчилари ташриф буюришди. Шу куни «Кимё-биология дарсларини кўргазмали қуроллар ва тажрибалар асосида ташкил этиш» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Муаллимлар мактабда ўқувчиларни ушбу фанга жалб этиш, қизиқтириш йўналишлари билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Анжуман қатнашчилари Мўйдинжон Отажонов, Аминжон Олимовларнинг дарсларини кузатиб, таҳлил этиб ўз фикрларини билдиришди. Айниқса, М. Отажоновнинг «VIII синфларда кимёвий элементларнинг дастлабки классификацияси» мавзуидаги дарси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

МЕТАЛЛОМ «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Яқинда Касби туманидаги мактабларда болалар ва ўсмирлар ташкилоти етакчиларининг ташаббуси билан «Металлом—давлатга» операцияси ўтказилди. Бу операцияда Ойбек, Ҳ. Ҳўжаматов ва Т. Қобилова номидаги мактабларнинг ўқувчилари, айниқса, фаол иштирок этишди. Туман мактаблари бўйича 140 тоннадан зиёдроқ металлом тўпланди. Алоҳида жонбозлар эса туман халқ таълими бўлимининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

ҚУШЛАР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 57-ўрта мактабда ҳар баҳор «Қушлар байрами» тадбирини ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бу галги тадбирда 8-»А» синфнинг «Қалдирғоч» ва 8-»Б» синфнинг «Кабутар» гуруҳлари ўзларининг эгаллаган билимлари билан томошабинларни «қанотли дўстларимиз» оламига етакладилар. Мактабнинг биология ва зоология фани ўқитувчиси Зебунисо Салоҳиддинова раҳбарлигида ўтган бу беллашувдаги савол-жавоб, тест саволлари, қушларга аталган ашулалар, сардорлар беллашуви томошабинларда катта таассурот қолдирди. Унда «Кабутар» гуруҳи ўқувчилари ғолиб деб топилдилар. Беллашув сўнггида ғолиб гуруҳга фан ўқитувчиси ўзи ўстирган энг чиройли гулларни совға қилди.

КАТТА ТЎЙГА КИЧИК ТЎЁНА

Яқинда Республика таълим илмий-методика марказида Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига кичик бир тўёна сифатида «Соҳибқирон Амир Темур ва ҳозирги замон» мавзуида илмий анжуман ўтказилди. Анжуманни халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. У Амир Темур фаолияти хусусида сўзлар экан, бугунги ёшларнинг тарихга бўлган муносабатини ижобий баҳолади. Шунингдек, Амир Темур хиёбонидаги очиқ дарслар, «Маърифат» газетасида Темур даври мавзуидаги сиртқи дарсларнинг бериб борилиши нафақат ёшларга, балки катталарга ҳам чексиз маънавий озуқа бўлажагини таъкидлади.

МУАЛЛИФЛАР: Б. МАҲМУДОВ, Ш. АҲМЕДОВ, С. ОЧИЛОВ, А. ОМОНБОЕВ, З. ҚАЛАНДАРОВА.

Сиртқи дарс

19. БИЗКИМ МАЛИКИ ТУРОН...

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларга Амир Темур шахси ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларни Амир Темур шахсидаги ибратли жиҳатлари билан таништириш.

Дарс режаси:

1. Амир Темурнинг ёшлиги.

2. Амир Темур шахсига хос хислатлар.

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам. Амир Темурнинг сарой котиби Ҳофизи Абрў Соҳибқироннинг ёшлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ҳазрати Соҳибқирон ҳижрий йилнинг 25 шаъбонида (милодий 1336 йил 8 апрель) Қуббатулхазро Кеш навоҳийсида осмоний бахтли бир соатда туғилди. Гўдаклик даври ўтиб, ёшликнинг янги ойи сирли уфқдан кўринганда одоб, услуб ўрганиш билан машғул бўлди. Андак муддатда сабоқ ўзлаштиришда ўз тенгқур ва тенгдошларидан илгарилаб кетди.

Ақл ёшига етганда илму адаб, хатту балоғат ҳосил қилди. Гоҳ-гоҳ ўқ отиш ва каманд (сиртмоқ) ташлаш билан шуғулланарди, жангу жадал қуролларидан фойдаланишга қизиқиб, уларни ишлатиш санъатини мукаммал эгаллади. Унда илм салобати билан шижоат қатъийлиги бирлашди». (форсийдан Омонуллоҳ Бўриев таржимаси).

Ибн Арабшоҳ эса «у ёшлигидан ақлли, очиққўнгил, журъатли, қатъий, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсиб, тенгқурлари — вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қурар ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди», деб ёзади. Яна давом этиб, «Аллоҳ унга Аббос, Жаҳоншоҳ, Қумори, Сулаймоншоҳ, Идику Темур, Жокуй, Сайфуддинга ўхшаш қирқ чоғли... тенгқур гумашталарни юборди», дейди.

Агар Амир Темур ғори ҳақидаги ривоятларга риоят қиладиган бўлсак, ҳазрати Соҳибқирон ёшликлари ва ўспиринлик йиллари ўз тенгқурлари билан ғорда ҳарбий машқлар ўтказиб, мўғулларга қарши қасоскорлик урушини олиб борганлар.

Муаррих Мирзо Салимбек (1845—1930) Яккабоғда юз йил олдин беш йил беклик қилганда Амир Темур ғорига ўз дўстлари ва шогирдлари билан зиёратга борган. Унинг ёзишича, ғор олдида улкан дарвозахона бўлган ва бу ғор кучли истеҳком ҳисобланган. Бу муқаддас истеҳком ўз вақтида Муқанна бошчилигидаги қасоскорларнинг ҳам қароргоҳи ҳисобланган. Амир Темур бошлиқ қасоскорлар эса бу ғорни истеҳкомга айлантиришган. Шунинг учун ҳам халқ бу ғорга Ғори Шерон (Шерлар ғори) деб ном беришган.

Ўзбек тили ва тарихи билимдони, филология фанлари доктори, марҳум Болта Жўраев бир суҳбат чоғида менга қуйидагиларни ҳикоя қилган эдилар. Мўғул хони Тўғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми беҳудага бўлмаган. Гап шундаки, XIV аср ўрталарида ўзбек қабила бошлиқларининг мустақилликка интилиши авжга чиқди. Мўғулларга ҳар йили жўнатиладиган солиқларни баъзи ҳокимлар юбормай қўйдилар. Бундай ўзбошимча ҳокимлар таъзирини бериш учун мўғулларнинг махсус «Босқоқлар» деб аталувчи сараланган тўдалари бўлар эди. Бундай тўда ўзбошимча ҳокимнинг кулини кўкка совуриб, олгилигини олар ва бошқа бир ҳоким тайинлаб қайтиб кетарди. Соҳибқироннинг амакиси Ҳожи Барлос ҳам Кеш ҳокими бўлатуриб, хирож юбормай қўйган. Тўғлуқ Темур унга қарши босқоқлар тўдасини жўнатган. Лекин бу тўда тоғ дарасидан ўтаётганда ном-нишонсиз йўқ қилинган. Бу Амир Темур бошлиқ турли ҳокимлар ўғилларидан ташкил топган қирқ йигитнинг иши эди. Босқоқлардан дом-дарак бўлмагач, Тўғлуқ Темурнинг ўзи қўшин тортиб келган.

Бундан чиқди, Хожи Барлос унинг яқинлашаётганини эшитиши билан қочиш йўлини бекорга тутмаган.

Амакисини кузатар экан, Амир Темур дейди: «Агар мамлакат ҳокимсиз қолур бўлса, унинг авзойига сўзсиз кўп заҳмат етгай, эл ва улуси эрса, ғанимлар қаҳри ва босқинчилиги зиёнидан бутунлай хонавайрон бўлгай:

Бошсиз мулк мисоли жонсиз тан эрур,
Жонсиз тан аҳволи сўзсиз бузилур.

Яхши кенгаш улдурким, агар сиз, Хуросон томон борур бўлсангиз, мен Кеш тарафга қайтсам, улусга таскин бериб, ул ердин хон хизматиға ўтсам, мирлар ва аркони давлат билан кўришсам, токи вилоят хароб бўлмасин. Роиятларким, яратқон тангрининг подшоҳларга топширилган омонати эрурлар, заҳмат ва ташвишга тушмасунлар». Босқоқларнинг йўқ қилинганини эътиборга оладиган бўлсак, 25 ёшли Амир Темурнинг Тўғлуқ Темур хизматига ўтишида маъно бор эди. Бу билан ул зот ўз эли ва шаҳрини талон-тарождан сақлаб қолди ва босқоқлар масаласи ўз-ўзидан аҳамиятини йўқотди. Демак, Амир Темур тўдаси бекорга вужудга келмаган ва бу борада биз билмаган тарихий манбалар мавжуд.

Амир Темур марказлашган давлатга асос солгач, унинг мўҳофазаси ва қўшни мамлакатларнинг хайрихоҳлигини таъминлаш чораларини кўрди. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, ҳазрати Соҳибқирон: «Алҳамдулиллоҳ, аҳвол бошланишидан то ушбу кунларгача жиддий бир сабабсиз ва аниқ ҳужжатсиз бирор мамлакатга юз тутмаганмиз», — деганлар.

Шундай экан, ҳазрати Соҳибқирон «етти иқлим ҳукмдори», жаҳонгир, деб аташ мухолифлар тегирмонига сув қуйиш билан баробардир. Тарихий манбалар Марказий Осиё, яъни тили, дини, маданияти, турмуш тарзи бир бўлган халқларни бирлаштиргач, бу янги ташкил топган Амир Темур давлатига ғараз кўзи билан қараган давлатларга қарши қўшин тортилгани ҳақида маълумот беради. Ҳазрати Соҳибқиронда жаҳонгирлик нияти бўлганда забт этилган Кичик Осиё ва Болқон яриморолини ўз эгаларига топширмаган бўларди. Ул зот Олтин Ўрдани, Ҳиндистонни забт этган бўлсалар ҳам ҳеч қачон ул ҳудудларни ўз мулклари сонига қўшмаганлар. Ибн Арабшоҳ вилоят ва ўлкаларни Амир Темур давлати ҳудудига киритади. «Хоразм, Кошғар, Бадахшон, Хуросон, Мозандарон, Рустамдор, Зобулистон, Табаристон, Рай, Ғазна, Астробод, Султония, Қазвин, Ғур тоғлари, Ажам Ироқи — Амир Темурники эди» (127-бет).

Давлати чегара ноҳияларига Амир Темур ишончли амирларини нойиб қилиб қўйдилар: Дашти Қипчоқ ва Хоразм чегараларига амир Арғуншоҳ жўнатилди. Мироншоҳ мулки — Табриз чегараларини Оллоҳ-доднинг укаси амир Худойдод қўриқларди.

Амир Темур бино қилган «Иссиққўл Амир Темур ерлари ва мўғуллар ўртасидаги чегарадир», деб ёзади Ибн Арабшоҳ (302-бет). Амир Темур Рум шаҳарларида юрганда Шарқ ерларининг мудофааси ҳақида қайғуради. У Оллоҳдодга мактуб юбориб, у мамлакатлар авзои тавсифини талаб қилади. Кейин у томон бошлиқларини жўнатди: Бердибек, Тангриберди, Саодат, Илёсхожа, Давлат Темур ва бошқалар. Бош Хумра (мўғуллар билан Амир Темур давлати ҳудудида жойлашган қалъа) қалъасини қуришни буюрди. Улар сон-саноқсиз аскар билан ушбу жойга келиб, иморат қуриш билан шуғулландилар. Қачонки улар қалъа асосини мустаҳкамлаб, иморатларини тартибга солиб бўлгач, Амир Темур уларга фармон юбориб, уларни мамлакатда зироат ишлари билан машғул бўлишларини буюрди.

Улар ҳўкиз ва уругларни юзага чиқариш билан машғул бўлиб, худди Амир Темур кўрсатиб, буюргандек жамики унумсиз ерларга ҳаёт беришда жидду жаҳд кўрсатдилар. «Атроф ва чегаралар, кварак ва четлар фойдаси тадбирини кўриб, каттаю кичикнинг гамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозосига кўра...», жами мансабу мартабалар жиловини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқаза бошлади.

У саййидларни эъзозлаб, кароматлар соҳиблари бўлган авлиёларни иззату икромлар қилди, илму фанни ва унинг аҳллари ҳурматини ошириб, уларга мурувватини сочиб, мартабаларини улуғлади; у муфсидларни бартараф қилиб, муртадларнинг илдизини қуритди (304-бет).

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Амир Темур ўз давлати ҳудудларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадидагина қўшни юртларга қўшин тортганлар. Ул зотда жаҳонга ҳоким бўлиш фикри ҳеч қачон бўлмаган. Амир Темур иқтидор эгаларини эъзозлаганлар, ғарчи улар ғанимлик қилган бўлсалар ҳам. Масалан, Боязид Йилдирим ўлими олдидан Амир Темурга қуйидагича васият қилади: **аввало, зинҳор Рум одамларини ўлдирма; иккинчидан, тотор (мўғул)ларни бу диёрда қолдирма, чунки улар фисқу фасод моддасидирлар. Учинчидан, қўлингни мусулмон қалъа ва қўрғонларига чўзма ва уларни ётиб турадиган ватанларидан жудо қилма.** Амир Темур бу васиятни ҳеч бир камчиликсиз адо этди.

Кичик Осиёда мўғуллар элхонийлар (хулалар) давридан бери яшаб келар эдилар. Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойибул-маҳдуд фи тарихи Таймур» китобида «Темурнинг тоторларни шарқу ғарбга ва ўнгу сўлга тўда-тўда қилиб тарқатиши баёни» бобида батафсил ҳикоя қилади.

Ибн Арабшоҳ бир жойда «Амир Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди» (227-бет) деса, бошқа бир жойда: «Амир Темур қанчаданқанча даҳо ва пинҳона фикру заковатга эга эди!», дейди (II жилд, 74-бет.) «Амир Темур аскаридан хосу авом тенг эди — гарчи у Амир Темурга асир тушган ёки унинг аскарига келиб қолган ёки унинг одамларига мансуб бўлмаган кишилар бўлса ҳам тенг эди...

Агар биров бировга зулм қилса — ҳатто у Амир Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам — ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг молу мулкию қони оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат унга нажот келтирарди» (247-бет).

Амир Темур армиясида темир интизом мавжуд эди. Жангчи бир бўлинмадан иккинчисига ўта олмас эди. Жангчи жасорати албатта тақдирланар эди. Масалан, Гуржистондаги Картин қалъасини олишда матонат кўрсатиб, ўн саккиз жойидан оғир яраланиб, ўлим ҳолатида ётган Пирмуҳаммад Қамбар деган оддий жангчини Амир Темур ҳозиқ табиблар ёрдамида ўлимдан сақлаб қолади ва мингбоши лавозимига тайинлайди.

«Амир Темур тамғасининг нақши «Рости-русти» бўлиб, бу «Ҳақгўй бўлсанг — нажот топасан», демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган белги ҳам... уч ҳалқадан иборат эди... Амир Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди. У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови ящириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги ва тажрибаси билан чин насиҳатгўйдан сохта насиҳатгўйни идрок этар, ўз афкори билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир беҳато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирар эди» (65—66-бет).

Ҳазрати Соҳибқирон оилани муқаддас тутар, мажлисларда аёллар борасида сўз юритишни катта гуноҳ ҳисоблаганлар.

Амир Темур шахси ҳақида, ул зоти муборакнинг фазилатлари борасида алоҳида тадқиқот ишлари олиб бориш муносибдир. Ул зотнинг фазилатларини бир дарс ҳажмига сиғдириш амри маҳолдир. Соғлом авлод учун қурашаётган бугунги кунимизда Соҳибқирон сийратига хос фазилатлар ибрат бўларлидир. Фарзандларимиз ўз улуғ боболарига муносиб авлод бўлмоғи лозим.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Тест - 96

ТАРИХ

(Боши 1-бетда).

Хронологияни билиш турли даврларда бўлиб ўтадиган тарихий жараённи тушунишда ҳам муҳимдир.

Тарихий ҳариталар билан ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Абитуриент тарихий воқеалар қачон ва қаерда бўлиб ўтганлигини, қандай шароитда маданиятнинг ривожланганлигини, хўжаликнинг қўринишларини, ҳунармандчилик, иншоотлар қурилиши, табиий ва географик шароитлар (кема сузувчи дарёлар, денгизлар, дашт ерлар, тоғлар, ўрмонлар ва бошқалар) ва уларнинг инсонлар ҳаётига таъсирини билиши шарт. Шу билан биргаликда халқларнинг этник-маданий жойлашуви ва ҳудудларининг узига хос томонларини акс эттирувчи тарихий география ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган барча билимларни билиш ва тушуниш саволларга жавоб топишда абитуриентга анча қулайликлар яратади.

Саволлардан намуналар

1. Қайси манбада Урта Осиё тарихи ҳақида энг қадимги маълумотлар сақланган?

А) Махабхаратда
В) Аналларда
С) Авестода
Д) Анабазисда
Е) Ригведада

Тўғри жавоб: С. Буни Урта Осиё тарихи бўйича энг қадимги ёзма манбаларни билган абитуриент топиши мумкин. А, В ва Е жавобларда бошқа минтақалар тарихи билан боғлиқ манбалар келтирилган. Д жавоб эса Македониялик Искандар юришлари билан боғлиқдир. Уз-ўзидан кўриниб турибдики, Авесто қадимгироқ даврларга оид маълумотлар билан боғлиқ.

2. Биринчи жаҳон уруши бошланишининг асосий сабабини аниқланг?

А) Европада партия ва сиёсий ташкилотларнинг кучаюви.
В) Дунёни қайтадан бўлиб олиш учун йирик давлатлар ўртасида қарама-қаршиликнинг кучаюви.
С) Капиталистик давлатларнинг империализм босқичига қадам қўйиши.
Д) Австро-Венгрия тахти вориси Франц Фердинанднинг ўлдирилиши.
Е) Саноатнинг ривожланиши учун хомашёнинг етишмаслиги.

Тўғри жавоб: В. Бошқа жавоблар, масалан, С ва Д лар иккинчи даражали сабаб (лекин асосий эмас), (Франц Фердинанднинг ўлдирилиши эса Австрия-Венгрия урушининг бошланишига баҳона бўлди, холос).

3. Улуғбек билан бирга ишлаган олимларни аниқланг?

А) Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий.
В) Балхий, Носир Хисрав, Наршаҳий.
С) Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Қозизода Румий.
Д) Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Ал-Фаробий.
Е) Ибн Сино, Наршаҳий, Ал-Хоразмий.

Тўғри жавоб: С. Улуғбек билан бирга XУ асрнинг машҳур математик ва астрономлари ишлаганлар. Бошқа жавобларда эса Улуғбекдан анча илгари яшаган олимлар қўрсатилган.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, тест амалга оширилаётган пайтда фойдаланилаётган ва бу ерда мавжуд бўлган тетс топшириқлари вариантлари бўлимларга бўлинади. Бу бўлимлар иккита бўлиб, уларнинг умумий сонидан Ватан тарихи фанидан 60—65 фоизни, Бутунжаҳон тарихи фанидан эса 40—35 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган ўрта мактаб ўқув режасига кўра абитуриент «Ўзбекистон тарихи» фанидан ибтидоий жамоа тузуми даври билан (палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза асри) боғлиқ бўлган материалларни, қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (милоддан аввалги биринчи минг йилликдан милоднинг дастлабки асрларигача) даври билан боғлиқ бўлган саволларни, ўрта асрлар даврига оид бўлган материалларни, шунингдек, XVII—XX асрлар ва замонавий тарихга оид саволларни билиши шарт.

Шунингдек, «Бутундунё тарихи» бўлмиш — қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихини, XVII-XX асрлар (янги ва энг янги тарих) тарихи даврларини ҳам абитуриент билиш лозимки, бу бўлимда ҳам абитуриентлар ўрта мактаб ўқув режаси доирасидаги билимлар талаб этилади.

Абитуриент тест топшириқларига тайёрланиш жараёнида тарихий жараёнларнинг асосий ривожланиш томонларини акс эттирувчи моддий ва маънавий маданият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт, маданий алоқалар ва бошқа муҳим масалаларни ўрганиши лозим. Тарихни фақат мактаб дарсликлари орқали ўрганиш тарих ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам меъморчилик ва археология ёдгорликлари билан танишиш, музейларга бориш, илмий-оммабоп тарихий адабиётларни ўқиши абитуриентларга катта ёрдам бериши мумкин.

Абитуриент тест топшириқларини бажаришга киришар экан, аввало саволнинг мазмунини (мавзу, тарихнинг бўлими, давр, воқеа, ҳудуд), саволнинг қандай қўйилганини, унда аниқлик киритадиган жойи борми, савол тарихий ҳариталар билимлари билан боғлиқми, умумий ҳукмлар ва аниқликлар борми-йўқлигини тушуниши лозим. Агар савол нисбатан мураккаброқ, яъни аниқ тарихий материални таҳлил ва умумлаштиришни талаб этадиган бўлса, унга ҳам ўзига хос йўналиш билан ёндашиш лозимки, тест топшириқлари тарихий саналар, воқеалар ва тарихий қиёслаш нуқтаи назаридан турли мураккаблик даражасига бўлинади.

Шунинг учун ҳам топшириқдаги тўғри жавобни аниқлашга асло шошилмаслик, барча жавобларни бир-бири билан солиштириш ва таҳлил қилиш лозим. Жавобларнинг баъзилари аниқ жавобга яқин бўлса ҳам, саволни тўлиқ ва аниқ очиб берадиган жавобни аниқлаш лозим.

Нотўғри жавоблар жавобнинг тўлиқ варианти бўлмаслиги мумкин, шунингдек, тест-топшириқнинг қўйилишига тўла мос тушмаслиги ҳам мумкин . Шунинг учун ҳам бу жавоблар савол мазмунини қанчалик тўлиқ очиб бера олишини текшириш лозим.

Савол: Машҳур Оқ сарой биноси қаерда бунёд этилган?

Жавоблар: А) Қаршида
В) Самарқандда
С) Бухорода
Д) Панжакентда
Е) Шаҳрисабзда

Бу саволга жавоб бериш учун Оқ сарой биноси Амир Темур даврига оид эканлигини ёдга олиш лозим. Қарши, Бухоро ва Панжакент шаҳарларида Амир Темур меъморчилик иншоотлари барпо этмагани ва Самарқандда унинг даврига оид бошқа машҳур ёдгорликлар борлигини билган абитуриент тўғри Е жавобни осонгина топиб олиши мумкин.

Савол: Колумб Америкагача сузиб бориб...

Жавоблар: А) Кубани кашф этди.
В) Панамани кашф этди.
С) Мексикани кашф этди.
Д) Багамани кашф этди.
Е) Колумбияни кашф этди.

Буюк географик кашфиётлар тарихини билган абитуриентга бу савол (ўрта асрлар тарих китобига қаранг) ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, шунингдек, кинофильмлар курган ва бадиий адабиётлар ўқиган абитуриентлар тўғри А жавобни дарҳол топадилар. Бу мавзуни яхши билмаган абитуриентга эса Е жавоб тўғридай туялади.

Савол: Узбекистоннинг энг қадимги тарихи буйича асосий манбалар қайсилар?

Жавоблар: А) Қадимги қурилишлар ва меҳнат қуроллари.
В) Қадимги қабрлар ва тақинчоқлар.
С) Қоятош суратлар.
Д) Қадимги каналлар ва тўғонлар.
Е) Буюмлар ва ёзувлар.

Дастлабки тўртта жавоблар (А, В, С, Д) саволга тўлиқ жавоб бера олмайди. Масалан, қадимги қурилишлар, меҳнат қуроллари, тақинчоқлар ва суғориш иншоотлари қолдиқлари фақат қурилиш, моддий маданият ва деҳқончликнинг ривожланиш даражаси ҳақида маълумот бериши мумкин. Буюмлар ва ёзма манбалар (Е жавоб) саволга тўлиқ ва аниқ жавоб бўла олиши мумкин.

Муносабат

ДАСИСА

(Боши 1-бетда).

сатдонлар тутаётган йўл макр эмас, яхшилик бўлганида, улар собиқ республикаларга қандай таклифни айтган бўлардилар? Бизнингча, мана бундай: «Оғайнилар, 130 йил илгари бугунгача бўлган даврда боболаримиз ва ўзимиз ўтказган зуғум ва қатағонлар боис, динингизни бузиб, дилингизни кўр қилганлигимиз учун узр сўраймиз. Мана, энди мустақил бўлдингиз, ўз аравангизни ўзингиз тортаверинг. Ишимиз ривож топиши учун ўзаро тенг ҳуқуқли савдо-сотиқни йўлга қўйайлик, халқимиз яхши ниятлар ила борди-келди қилаверсин. Сизларга ғаразимиз йўқ. Оқ йўл!»

Шундай гапларни айтдими улар? Айтмоқчими? Кўзингиз етаяптими айтишига?... Лўттибоз коммунистик партия ва шовинист Жириновский бошлиқ партияларнинг сайловда кўп овоз олиши (бу факт!), бунинг натижаси — Думанинг қарори ҳали хавфнинг, аниқроғи макрнинг катта умидлар билан яшаётганлигидан далолатдир.

Дарвоқе, биз бу сиёсий воқеа-ҳодисаларни номлаш учун сўз излаётган эдик, хуллас, «Изоҳли луғат»ни варақлаб, излай-излай бир сўзга тўхталдик — ДАСИСА. Унинг келиб чиқиши араб тилига мансуб бўлса-да, боболаримиз, хусусан, Алишер Навоий ўзларининг ижодлари (масалан «Лисонут тайр»)да фойдаланган эканлар. ДАСИСА биз юқорида санаган «сифат»ларнинг қарийб барча маъносини англатар экан, яъни «ҳийла, найранг, алдов, макр» (I том, 212-бет). Бу изоҳдаги тўртта сўзни алоҳида қараб чиқсак, бир-бирини тўлдирувчи қатор сўзлар келиб чиқади:

1. **Ҳийла** — алдаш учун ишлатиладиган йўл, ҳаракат усули; макр, фириб (II том, 696-бет).

2. **Найранг** — алдамчиликка, макр-ҳийлага асосланган хатти-ҳаракат; ҳийла, лўттибозлик (I том, 494-бет).

3. **Алдов** (алдамчи) — 1) кишини алдашга, аврашга, лақиллатишга уста; алдоқчи; 2) фирибгар, қаллоб; 3) ваъдасида турмайдиган; ваъдасиз; субути бурди йўқ, бебурд; 4) ёлғон яшиқ гапларни кўп гапирувчи; ёлғончи; 5) чалғитувчи, чалғитадиган, алдайдиган (I том, 39-бет).

4. **Макр** — ҳийла-найранг асосига қурилган иш, хатти-ҳаракат; ҳийла, дасиса (I том, 443-бет).

Юқорида билдирилган фикрларни тушунмайдиган ёки умуман қабул қилмайдиганлар бу изоҳларни нега китобдан кўчириб газетага ёзаяпсан, дейиши ҳам табиий. Бу саволни аввалдан ҳис қилиб, жавоб берамиз: бу ўзбек тили ўқитувчиларининг синоним сўзлар мавзуидаги бир соатлик дарсларига бир ёрдамдир. Мазкур изоҳларни ўқувчиларга тушунтиргач, уларга қуйидагича уй вазифаси бериш мумкин:

а) **лўттибоз, фириб, такаббур** сўзларининг изоҳини топинг ва дарсда ўтган (яъни, юқорида тилга олинган) изоҳларга қўшиб ёзиб қўйинг;

б) «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан бу сўзларга қарама-қарши маънодаги сўзлар (антоним)ларни топинг;

в) бундай кимсаларга нисбатан қандай курашган бўлардингиз? Фикрингизни синоним сўзлардан фойдаланиб қоғозга туширинг, гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзиб қўйинг...

Ҳалим САЙИД.

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Ғаллаорол туманидаги Садриддин Айний номли мактабда 246 нафар ўқувчи бўлиб, улар синфдан ташқари ишларда фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, ўқувчиларнинг ҳар бири баҳорда юз тупдан терак қаламчаси, икки тупдан мевали дарахт кўчатларини ўтказишди.

—Мактабимиз ўқувчилари берилган топшириқларни сидқидилдан бажаришаяпти, — дейди мактаб раҳбари Турсунбой Пардаев. — Айниқса, улар Навроз байрамини нишонлашда фаоллик қилдилар. Ҳозирги кунда ўқувчиларимиз буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Соҳибқирон ҳаётига оид маълумотлар тўпланиб, деворий газеталар чиқарилди. Ўқувчилар билан ўтказилаётган машғулотларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига катта урин берилаётир.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ортиқали Қодиров Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 27-ўрта мактабда ўқувчиларга физика фанидан сабоқ беради. Ўзининг 22 йиллик меҳнат фаолиятида у юзлаб шогирдларида физикага бўлган меҳрни уйғотди.

Суратда: О. Қодиров галдаги мавзуни кўргазмалилик асосида ўқувчиларга тушунтирмоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

АУКЦИОН (лат.) — махсус кимошди савдо бозорлари, товарларни талабгор харидорларга сотиш усули. Аукцион савдо товарларининг нисбатан чекланган рўйхати бўйича (мўйна, қоракўл тери, ювилмаган жун, чой, ҳўл мева, сабзавот, балиқ, от, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, антиқа буюмлар ва б.) ўтказилади. Аукцион олдиндан эълон қилинган вақтда даврий: ҳар куни, ҳар ойда, муайян ойларда ёки йилда бир марта товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсумига ва ҳажмига қараб ўтказилади. Харидорлар савдо бошлангунига қадар аукцион омборларига қўйилган товар ёки унинг намунаси (лот) билан танишадилар. Савдо вақтида лотлар каталогда кўрсатилган тартибда навбатсиз савдога қўйилади, харидорлар орасидан энг юқори нархни таклиф қилгани товарни сотиб олади. Битимлар оғзаки ёки шартли белгилар воситасида тузилади. Қарзни тўлашга қурби етмайдиган қарздорлар мулки ҳам мажбурий аукцион шаклида сотилади.

Ҳар қандай аукционларнинг умумий шарти — сотувчи намойишга қўйилган товарлар сифатига масъул ҳисобланмайди. 1990-91-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ҳам пахта толаси, саноат моллари, хомашё, валюта аукционлари ўтказилмоқда.

АУТРАЙТ — томонлар қатъий белгилаган муддатлар «форвард» курси бўйича тўловларни назарда тутадиган оддий муддатли валюта битими.

АУТСАЙДЕР (инг. — бегона) — 1) «бегона», «ёввойи» деб ном олган мустақил кичик ва ўртача корхоналар. Бирор сабаб билан муайян аниқ бир тармоқлар доирасида ташкил топадиган монополистик бирлашмалар ва келишувларга кирмайди. Купинча А. йирик монополияларга ёрдамчи пудратчи ҳисобланади; 2) биржа аъзоси бўлмаган брокер, у биржа савдосининг айрим қонунларига риоя қилиш мажбуриятини олган ҳолда савдо залида ишлашга вақтинча, бирон мақсадли рухсатнома олиши мумкин.

АФЗАЛЛИКЛАР — қ. Преференциялар.

АФҒОНИ — Афғонистон пул бирлиги. 1 афғони — 100 пул. Россия Федерацияси Марказий банки жорий этган клиринг валюталарнинг тижорат курсига кўра Афғонистон билан ҳисоб-китобларда 100 АҚШ доллари — 56 сўм 98 тийин (1992, май).

АҚЛИЙ МУЛК — қ. Интеллектуал мулк.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — муайян жамиятда кишиларнинг жисмоний, ижтимоий, интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда эришилган турмуш, меҳнат, маиший шароитлар мажмуи. Унинг асосий мезони — аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Турмуш даражаси, аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмол қилиш ва маиший хизматнинг умумий ҳажми; ноозиқ-овқат молларини ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси ва сифати; реал даромадлар, иш ҳақи миқдори; ижтимоий истеъмол фондларидан тушадиган даромадлар ҳиссаси; меҳнат шароити, иш ва бўш вақтларнинг давомийлиги ва мазмуни; уй-жой шароитлари; халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда бошқа сифат ва миқдор кўрсаткичлари тизимида ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ишсизликнинг кўпайиши, нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида кескин кўтарилиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли пасайиши мумкин. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли даромадларини индекслаш каби тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Давоми бор.

Янги турдаги ўқув юртларида

БЎЛАЖАК ТАДБИРКОРЛАР

Когон туманидаги 8-ҳунар-техника билим юртида паррандачилик бўйича операторлар, механизаторлар, фельдшерлар, пиллачилик ва сабзавотчилик ҳосилотлари, чорвадор-фермерлар, асаларичилар, ҳисобчилар ва бошқа яна бир неча хил қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланади. Айни кунда касб-ҳунар масканида 568 нафар талаба 10 та мутахассислик бўйича ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Бозор иқтисодиети шароитида ҳаётимизга тобора янги-янги касблар кириб келмоқда. Ана шу тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан боғлиқ бўлган касбларни ёшларга ўргатиш мақсадида билим юрти 1995 йилдан бошлаб касб-ҳунар лицейига айлантирилди. Албатта, лицейда касб-ҳунар йўналишини ўзгартириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаяпти. Бу ерда тадбиркорлик бўлими очилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

— Янги бўлимимизда таълим олаётган талабалар учун ҳамма қулайликлар яратилган, — дейди лицей дирректори Раҳматулло Холов. — 1995-96 ўқув йилида тест синови асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича икки гуруҳ ўқувчилар қабул қилинди. Айни кунда улар тадбиркорлик сирларини устозлари Абдураҳмон Адизов, Раҳматулло Камолов, Жура Турсунов, Адолат Тураева, Шоира Абдуллаевалардан пухта ўрганмоқдалар. Келгусида лицейда яна икки гуруҳ — чорвачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш гуруҳларини очиш мўлжалланмоқда.

Икки қаватли замонавий бинода жолашган лицейда ўқувчиларнинг билим ва касб ўрганишлари учун шарт-шароитлар мавжуд. Ўқув хоналари, устахоналар, лабораториялар зарур ўқув қуроллари ҳамда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Лицей талабалари учун 100 кишига мўлжалланган ётоқхона, 160 кишига мўлжалланган ошхона ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда бадиий ҳаваскорлик, ёш адабиётшунослар, ёш химиклар каби тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Обид ШАРОПОВ,
журналист.

Эҳтиром

ЖОНКУЯР МУАЛЛИМА

Малика Бафоева Қизилтепа туманидаги Садриддин Айний номли мактабда 21 йилдан буён ишлаб келмоқда. 1987 йилдан бери мактаб тарбиявий ишлар раҳбари.

Ишлашни хоҳлаган имкон, хоҳламаган баҳона ахтарар, дейишади. Шу нуқтаи назар билан қараладиган бўлса, доимо янгиликка интилувчан, тинибтинчимас муаллима Малика Бафоева ҳар қандай вазиятда ҳам тадбиркорлик билан иш тутади, тажрибаларини қўллайди, хуллас имконият топади. Мана шу хислатлари унинг ўзига ҳам, жамоасига ҳам ютуқлар келтиряпти.

Билим даргоҳида уюштириладиган бирорта тадбир йўққи, Малика Бафоева иштирокисиз ўтса. Кўрик-танловлар, мушоиралар, викториналар, фанлар бўйича ўтказиладиган ҳафталиклар, деворий газеталарнинг чиқарилиши, тўгаракларнинг мунтазам ишлаши — буларнинг барчасида унинг жонкуярлиги, ташкилотчилиги сезилиб туради.

Муаллима кимё ва табиатшунослик дарсларини доимо кўргазмали қуроллар воситасида, қизиқарли, тушунарли ўтказади. Машғулотлар жараёнида ўқувчиларни нафақат ўз фанларидан, балки бошқа барча фанлардан яхши ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга ундайди. Шунингдек, йигит-қизларни касб танлашга йўналтириш — унинг одати. Шунинг учун билим даргоҳида ўндан ортиқ кўргазмалар ташкил этган. «Ким бўлсам экан?», «Касбим — фахрим», «Устозлар изидан», «Ҳунари бор хор бўлмас», «Ватанинг — гўзал чаманинг» каби кўргазмалар бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, бир неча рангли альбомлар ҳам ташкил қилинганки, уларни варақлаган ёшлар қалбида касб-ҳунарга ҳавас уйғонади. Мактабга ишчи, қурувчи, ҳунармандларнинг таклиф этиб

ОНА ЮРТИМ, ПОСБОНИНГ БЎЛАЙ!

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Мустақил диёримнинг,
Баҳорга кирди боғи.
Жаҳон қуббаларида
Ҳилпирайди байроғи.

Байроқда бор мовий ранг,
Бу беғубор осмондир.
Мужассам оқ ҳошия, —
Юртда тинчлиқ посбондир.

Янгиланиш, покланиш,
Иймон, эътиқод, хоҳиш,
Ёшлик ва орзулар ҳам
Яшил рангда мужассам.

Қип-қизил чизиқчалар,
Гўёки жон томири.
Омон экан ҳур Ватан
Жон тирик, инсон тириқ.

Балқиб турган тўлин ой,
Чунг тарих — кекса Турон.
Бу демакки, юртимда
Мустақиллик ҳукмрон.

Ун иккита юлдузча,
Ун икки ой демакдир.
Шундай экан, байроғим
Тарихан бой демакдир!

Бовар НАЗАРОВА,
Самарқанд давлат университети студенти.

ЎҒЛОНЛАР — ЭЛ ШАРАФИ

Баҳодир ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари, генерал-майор.

Юртимизда азал-азалдан ёшу қари ўзини юрт ҳимоячиси, деб билган. Ватан мудофааси йўлида жонини ҳам аямаган. Бу анъана эндиликда янгича руҳ ва мазмун касб этмоқда. Боиси, она диёримизнинг мустақилликка эришганлигидир.

Мустақиллигимизнинг ўтган салкам беш йили мобайнида талай ижтимоий-иқтисодий ишлар амалга оширилди. Республикамизнинг буюк келажагини таъминлай оладиган мустаҳкам пойдевор бунёд этилди. Бинобарин, Ватанимизнинг истиқболи ҳақида гап кетар экан, албатта, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш муқаддас бурчимиз эканлигини бир соония ҳам унутмаслигимиз даркор.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалиги тизимида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб жойни эгаллашига эришиш — давримизнинг асосий вазифасидир».

Сир эмас, республикамизга дўстона муносабатда бўлмаганлар мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштириш учун кўп ҳаракат қилмоқдалар, бизнинг йўлимизда қийинчилик туғдирмоқдалар. Баъзи «арбоблар» эса марказлашган бошқарувни, раҳбарликнинг аввалги услубларини тиклашга уринмоқдалар.

Ўзгалар ғояси билан иш кўришнинг қандай оқибатларга олиб келишини Тожикистон фожиалари яққол исботлаб турибди. Ёки собиқ Югославияда бўлган воқеаларга бир назар ташланг. Хулоса қилиб айтганда, мустақил давлатнинг равнақи — унинг Қуролли Кучларининг нечоғлик қудратли ва жанговар шай эканлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу боис ҳам ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонламоқда.

Ўз ҳарбий идорамизнинг ташкил қилиниши том маънодаги Ватан ҳимоячиси касбини вужудга келтирди. Қаранг, ўзбек йигитлари собиқ Совет Армиясида аксарият ҳолларда қурилиш батальонларида хизмат қилар эди. Ўзбек жангчиларини жанубий чегараларимиз ҳимоясидан кўра Сибирда, шимолий ҳудудларда кўпроқ учратиш мумкин эди. Модомики, мустақил республикамизда ўз Қуролли Кучларимиз ташкил топган пайтда ўзбек офицерлари умум офицерларнинг атиги 6 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар 80 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ҳарбий ихтисос — Ватан ҳимоячиси касбини эгаллашни хоҳловчи ёшларимиз сонининг ўсиши ҳам мустақиллигимиз меваларидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, фақат мудофаа мақсадида ташкил этилган Қуролли Кучларимиз давлатимиз суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишни таъминлай оладиган қудрату салоҳиятга эгадир.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимиз улкан ютуқларни қўлга киритди. Унинг жанговар шайлиги замон талабларига тўла жавоб бермоқда. «Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунлари, «Ҳарбий Доктрина»синг қабул қилиниши Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан Ватанимиз ҳимоячиларига кўрсатилаётган катта ғамхўрликлардан далолатдир. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Юқорида санаб ўтилган қонун ва қарорларнинг аҳамиятли томони шундаки, кўпчилик Ҳамдўстлик мамлакатларида улар қабул қилинган эмас.

Шуни айтиш керакки, кўпгина вазирликларимиз, ҳокимликлар ва идоралар ҳарбий кадрларни камол топтириш фақат Мудофаа вазирлигининг вазифаси деб ҳисоблайди. Аслида бу — давлат миқёсидаги умуммиллий вазифадир.

Шу боис, биз миллий мустақиллик мафкурасига таянган ҳолда фарзандларимиз онгига она-Ватанга садоқат, уни ҳимоялаш учун шахсий масъулият туйғуларини ёшлигидан бошлаб сингдиришимиз керак. Токи шундай даражага эришайликки, Ватанга муҳаббат ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг қалб амрига, юрак даъватига айлансин! Ҳар бир Ўзбекистон ўғлони виждон амри, фахр-ифтихор шуури билан:

«Ҳар қандай дақиқада, сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида Қасамёд қиламан. Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун, унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимояси учун жонимни қурбон қилишга Қасамёд қиламан», — дея олсин.

ЎҒЛИМГА МАКТУБ

Салом ўғлим, Мирзоҳид! Хатингни олдим. Хизматда эришаётган ютуқларингдан боҳабар бўлиб, ғоят хурсанд бўлдим. Айниқса, «Ватанпарвар» газтасида босилган қатор мақолаларингни ўқиб, бошим кўкка етди.

Ҳа, уканг — Мирҳомид уйдаги барча юмушларни қулоқ қоқмай бажармоқда. Айниқса, сенинг панду насиҳат-ла ёзган хатингни ўқигач, абанг (онанг) ва бувижонларингга нисбатан жуда ҳам меҳрибон бўлиб қолди. Мен заҳирадаги зобит (капитан) бўлсам, уканг ҳам Жиззахдаги олий ҳарбий билим юртига кириш учун ҳаракат қилмоқда.

Илоҳо орзусига етсин. Сенингдек ақлли ва баҳодир ўғилларим бахтига, менинг ва бизнинг бахтимизга юртимиз — Ватанимиз тинч бўлсин, зеро «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Шу улуғ Ватан барчамизники», деб айтмоқда юртбошимиз. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш барчамизнинг эзгу мақсадимиздир. Шу юрт чегараларининг дахлсизлигини сақлаш сенингдек Ватан ўғлонлари қўлида. Ўғлим, эсингда бўлсин, ҳарбий интизомга риоя қил, уни ҳурмат қил. Ҳарбий техникани қунт билан ўрган. Бош ўқчи деган шарафли номга лойиқ бўл. Устозларинг ва қўшниларни айтмайсанми, улар ҳам сураганлари — сураган. Ҳа, айтганча, мен ва оиламиз номидан барча катта ва кичик командирларингга салом айтгин. Қуролдош дўстларинг билан аҳил бўл, яқиндан дўстлашгин.

Дарвоқе, сен ҳарбий қисм ёзувчисисан. Ёзувчилик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу шарафли касб, сенинг касбинг асли иқтисодчи, бироқ ёзувчи деган номга ҳам муносиб бўл. Ҳар бир мавзуда қалам тебратаётганингда қўйидаги шиор доимо ёдингда бўлсин: «Куч адолатдадир».

А. МИРЗАРАҲМАТОВ,
Наманган туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси, заҳирадаги капитан.

Бизнинг суҳбат

ҲАРБИЙЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Тошкент давлат университети ҳарбий кафедраси бошлиғи, зобит Азиз КАМОЛОВ билан суҳбат

— Ўртоқ зобит, ҳарбий кафедра ўз олдига қандай вазифаларни қўйган?

Тошкент давлат университети ўн беш хилдан ортиқ олий мутахассисларни тайёрлайди. Улар орасида бўлажак журналистлар, геологлар, физиклар, иқтисодчилар бор. Лекин уларнинг бир қисми бўлажак зобитлар ҳамдир. Чунки университетимизнинг ҳар бир талабаси қайси бир факультетда таҳсил олмасин, ҳафтада икки кун бизнинг ҳарбий кафедрада машғулот ўтказади. Бизнинг кафедра уларга ҳарб илмларидан сабоқ беради.

— Талабаларнинг дастурдаги ҳарбий билимларни ўзлаштириш учун шарт-шароитлар етарлими?

— Ҳа, албатта. Бизнинг кафедра энг замонавий ўқув-машқ жиҳозларига, автомат техникаларга, ҳатто компьютерларга эга. Бундай шарт-шароитларнинг яратилишида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги яқиндан кўмак бермоқдалар.

— Ўртоқ полковник, маълумки, ҳарбий кафедра ўша эски «қизил империя» даврида ҳам бор эди. Бугунги мустақиллик шароитида у қандай жиддий ўзгаришларга юз тутди?

— Аввало, машғулотлар бутқул бўлмаса-да, иложи борича ўзбек тилида олиб бориляпти. Бундан ташқари, машғулот, дастурларда ҳам катта ўзгаришлар бор. Биз энди алақандай империя учун эмас, ўз миллий давлатимиз учун, ўз она-Ватанимиз учун кадрлар тайёрлаяпмиз. Шу боис ҳам ўз тарихимизда ўтган шонли саркардаларнинг ҳарб илмларини ўрганишга алоҳида аҳамият беряпмиз. Хусусан, Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби дунё тан олган боболаримизнинг ҳарбийлик соҳасида мерос қолдирган илмларга яна қайтдик. Шу ўринда қизиқ бир ҳолни қайд этиш жоизки, ўша эски Совет ҳукумати даврида ҳам ана шу шавкатли аждодларимизнинг жанговар илмларини ўрганиб келганмиз. Лекин бу нарса Москвадаги оғаларимиз томонидан қатиқ сир сақланар, ҳеч ерда эътироф этилмас эди.

— Азиз ака, талабаларнинг ҳарбий машғулотларга қизиқиши қандай?

— Менимча, талабалар ҳарб илмларини эгаллаш бугунги кунда, айниқса, долзарблигини англаб етишди. Улар бизнинг машғулотларда қизиқиш билан қатнашишмоқда. Айниқса, хорижий филология, физика, журналистика каби факультетларнинг талабалари ўзлаштиришларда яхши натижаларни қўлга киритишяпти.

— Ўртоқ полковник, талабаларнинг ҳарб илмларини шунчалик қунт билан ўрганиши шартмикин? Ахир, махсус ҳарбий ўқув юртларида бу соҳа учун кадрлар кераклича тайёрланяпти-ку?

— Фикрингизни тушундим... Тўғри, бизнинг кафедрада ўқиб чиққач, талабалар кичик офицерлик унвонларини олишади. Лекин бизнинг мақсад, шунчаки қўшимча офицер кадрлар тайёрлаш эмасда. Ҳарбийликда ҳикмат кўп. Ҳарб илмлари нафақат қурол-яроғдан фойдаланишга, шаҳдам қадамлар ташлаб юришга ўргатади, балки, ёшларда қатъийлик, интизомлилик, иродалилик каби хислатларни ҳам шакллантиради. Энг муҳими, ватанпарварлик туйғуларини ўстиради. Юқорида саналган фазилатлар эса ўзини эл-юрт хизматига чоғлаган барча ёшларимизга қандай мутахассис бўлиб етишишидан қатъи назар, сув-ҳаводек зарур...

Суҳбатдош Луқмон БЎРИХОН.

ЙИГИТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ҳарбий хизматга баҳорги чақирув мавсуми бошланди. Шу муносабат билан Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳовлиси чақирилувчилар билан гавжумлашган. Бу ерда тўпланганлар билан ҳамсуҳбат бўлдик, самимий айтган дил сўзларини қоғозга туширдик.

Рустам Хидуанов (Янгийўл туманидан):

— Ҳаётда падари бузруквори ва волидаи мукаррамаси ҳурматини, ишончини оқлаш қобил фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мен ҳам ҳарбий хизматга жўнаш арафасида ота-онам, ёру-биродарларим олдида ўз йигитлик бурчимни шараф билан ўташга қатъий ваъда берганман. Ваъдага вафо қилиш ҳақиқий йигитлар иши. Яқин кунлар ичида мен ҳам қасамёд қабул қиламан. Қасамёдимда халқимга, Президентимизга, она-Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бераман.

Салимжон Иноғомов (Ўрта Чирчиқ туманидан):

— Ҳа, ҳар кимнинг ўз Ватани, киндик қони тўкилган ери бўлади. Шу боисдан ҳам уни она-Ватан дейишлари, бежиз эмас. Айниқса, бизнинг Ватанимиз ўз гўзаллиги, шон-шуҳрати билан дунёнинг етти иқлимига маълум ва машҳурдир.

Афсуски, дилни хуфтон қиладиган томони шундаки, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам айрим йигитларнинг ҳарбий хизматдан турли баҳоналар билан қолишга ҳаракат қилиш ҳоллари қулоққа чалиниб қолади. Назаримда, ташвиқот-тарғибот ишлари етарли эмас. Бунинг учун ёшларни она-Ватанни севиш, ҳарбий ватапарварликка ўргатиш ишларини боғча-мактабдаёқ бошлашимиз керак. Ана шунда мақсадимизга эришамиз.

Дилмурод Тошниёзов (Чиноз туманидан):

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам армия — мустаҳкам тартиб-интизом демакдир. Армиядаги ҳарбий хизматни йигитлик бурчи дейишади. Ким бу бурчни ўтамаса, у йигит номига нолойиқдир. Яқинда биз ҳам эгнимизга ҳарбий либос кийиб, ҳақиқий аскарлар сафига қўшиламиз. Ҳалқимиз тинчлигини қўриқлаш, осмонимиз беғуборлиги учун яшаш нечоғлик бахтдир. Мен ҳар бир соғлом йигит бу бахтдан бенасиб бўлмасин дейман!

У. АКТАМОВ.

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛ, БОЛАМ!

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИ ҚЎШИҒИ

Анвар ОБИДЖОН шеъри, Анор НАЗАРОВ мусиқаси.



I. Биз Ватанга ўғлонмиз,
Ҳеч бузилмас қўрғонмиз.
Юртни асраймиз хавфдан,
Мен сафдаю, сен сафда.

Нақорат

(Саф бошловчи командир)

Бир, икки илдам бўл,
Темурийсан бардам бўл.

(Аскарлар)

Бизлар доим илдаммиз,
Темуриймиз, бардаммиз.

(Саф боши)

Дўстларингга қалқон бўл,
Душманингга бўрон бўл.

(Аскарлар)

Дўстларга биз қалқонмиз
Душманларга бўронмиз.

II. Саҳро, боғлар бизники,
Дарё, тоғлар бизники.
Шу гулистон бизники,
Ўзбекистон бизники.

Нақорат ва биринчи тўртлик қайтарилади.

Бир соатлик сабоқ

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Илм масканларида чақириққача ёшларни тайёрлаш фани қўнгилдагидек ўтиляптими? Ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги қай даражада? Улар онгида Ватан тушунчаси қандай шакллнмоқда? Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 131-мактабда чақириққача ёшларни тайёрлаш фани сабоқларини, ҳарбий таълим раҳбари, заҳирадаги капитан Рауф Саидов олиб боради. Унинг бир соатлик тарбиявий дарсида юқоридаги саволларга жавоб топгандек бўлдик.

Дарс «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланди. Дарс.

1. Ватанни севмоқ фарздир.
2. Боболар мероси — хазина.
3. Президентимиз — фахримиз.
4. Қомусимиз — номусимиз.
5. Бурч ва масъулият.
6. Ҳарбий қасамга содиқлик.

каби бўлимларга бўлинди.

Аслида Ватан кенг тушунча. У инсоннинг киндик қони тўкилган макон. Қолаверса, шу маконнинг барча мавжудотлари ер-суви, бойликлари, гўзал боғлари, дала-даштлари, тоғларини — бутун қўёшли Узбекистонни назарда тутамиз. Бас, шундай экан, она-юртни кўз қорачиғидай асрашимиз лозим. Уни асраш ўзбек Алпомишлари, эр ўғлонлар зиммасида!

Ҳозир орамизда эски тузумни қўмсаб юрганлар йўқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, ўшаларни ақли заифлар дейиш мумкин. Агар биз илгариги мустабидлик замонига қайтсак, тилимиздан, динимиздан тикланган ва тиклаётган қадриятларимиздан айриламиз, келажак авлодлар олдида юзимиз шувут бўлади, улар бизни кечиришмайди.

Тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов сиёсатида ана шундай ўзига хос изчиллик, қатъиятлиликни кўрамиз. Юртбошимизни қўллаб-қувватлаш, мустақил юрт ҳимоясини таъминлаш эса бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу нарса Қомусимизда ҳам белгилаб қўйилган: «Узбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир Узбекистон Республикаси фуқароси бурчи...»

...Ватан ҳақидаги жўшқин, ҳаётий мисолларга бой нутқлан сўнг амалий машғулотлар бошланди.

Йигитлар тўсиқлардан ўтишда маҳоратларини намойиш этишди. Улар билан Конституция, ҳарбий хизмат асослари, ҳарбий қасамёд, жисмоний тайёргарлик, вазифа, мажбурият мавзуларида суҳбатлашдик.

— Рауф Саидов ишини оммалаштириш ниятимиз бор, — дейди мактаб директори Назира Мамарасулова фикрларимни уққандай. — Чақириқ-қача ёшларнинг тайёргарлиги бўйича 11, 12, 13 апрель кунлари туман миқёсида уч кунлик дала машқлари бўлади. Бундан олдин йигитларимиз ҳарбий саф тайёргарлиги, арқон тортиш, тош қўтариш, қўлда куч синашиш, противогазда чопиш, югуриш мусобақасида ўз иқтидорларини синовдан ўтказишган эди.

Опа бошқа ижобий тадбирларни ҳам тилга олди. Мактабга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов, уруш қатнашчилари Н. Восихонов, Х. Толипов, Т. Ҳакимов, меҳнат фахрийси Қ. Турсунов, шунингдек, Думбиробод маҳалласининг фаоллари ташриф буюришиб, Ватан, иймон, эътиқод, бурч ва мусъулият мавзуларида суҳбатлар ўтказиб туришади.

Умуман, бу масканда таълим-тарбияга, хусусан, чақириққача ёшларнинг тайёргарлигига катта эътибор берилаётгани қувонарлидир. Бу ўз навбатида муносиб юрт посбонларининг етишиб чиқишига кафолат беради. Зеро, баҳодир посбонлари бор юртнинг эли тинч бўлади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ЭЪТИҚОД

Тошкент ҳарбий лицейи дарвозасига бирор юмуш билан яқинлашсангиз, сизни бежирим формадаги хушсурат йигитлар то ичкаригача кузатиб қўйишади. Улардаги ширин сўз, хушмуомалани кўриб, кўнглинг ўсади.

Лицей ҳовлиси эса тарбияланувчилар билан доимо гавжум. Уларнинг барчаси, албатта, ҳар куни мунтазам турли ҳарбий машқларни, спорт усулларини ўз устозларининг кўмагида иложи борича мукаммал ўзлаштиришга, нормативларни аъло даражада адо этишга интилишади. Лицейнинг ҳарбий ва жисмоний таёргарлик бўйича директор ўринбосари, подполковник И. Т. Коняк доимо уларга бош-қош.

Ҳарбий бўлиш — бу ўз яқинларингни, она-Ватанни метин қўллар, темир ирода, соф ақл-заковат, чексиз меҳр-муҳаббат билан ташқи душманлардан, бегона кўзлардан асрай олишдир. Шунинг учун лицейга уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари тез-тез таклиф этиб турилади. Улар ҳам ўз хотираларидан ёш ҳарбийларга сўзлаб бериб, ёш кўнгилларда ҳақиқий ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга ҳисса қўшмоқдалар. Бундан ташқари, лицейда тарих музейига саёҳат, ҳарбий билим юртлари зобитлари билан учрашувлар, ҳарбий ҳаётдан олинган турли фильмлар намойиши уюштириб турилибди.

Биз директор ўринбосари билан лицей ҳовлисини кезар эканмиз, кўринишидан ўта оғир, мураккаб ҳарбий машқни қайта-қайта бажарган бир йигитча қаршимизга келиб тўхтади. Ўринбосар унга (кузатиб турган шекилли) норматив аъло баҳога мос келмаслигини, яна бажариш зарурлигини уқтирди. Йигит яна югуриб кетди. Ўринбосар эса менинг ҳолатимни пайқагандек «кўрдингизми, бизнинг йигитлар сиз ўйлаганча анойи эмас» маъносида ҳайратомуз жилмайиб қўйди.

Мен ҳозиргина кўз ўнгимда кечган ҳарбий ҳаётнинг кичик бир лавҳасини хаёлимда қайта-қайта жонлантирар эканман, беихтиёр лицейнинг тарбияланувчиларига, уларнинг барча устозларига ҳавасим келди. Чунки ҳақиқий ватанпарварлар етишмоқда, дея бемалол айтиш мумкин. Мен бу фалсафадан сира воз кечмоқчи ҳам эмасман. Нега деганда, эндигина қад ростлаётган Ўзбекистондек буюк давлат учун чинакам ватанпарварлар зарур.

Олимжон ҲАЙИТ.

Суратда: лицей химия фани ўқитувчиси Бахтиёр Мирзаев ҳар бир машғулотни назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда олиб боради.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ФАХРЛАНИНГ ФАРЗАНД БИЛАН!

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Зарафшон» ширкатлар уюшмасида истиқомат қилаётган математика фани ўқитувчиси Муҳаммаджон Элмуродов ҳамда фидойи муаллима Назокат Усмонова хонадони қувончга тўлди. Яқинда ўғиллари Бобуржон Элмуродов хизмат қилаётган қисм командири номидан миннатдорчилик хати келди:

«Ҳурматли Муҳаммаджон ака ва Назокат опа, ўғлингиз она-Ватанимиз олдидаги ўз йигитлик бурчини «аъло» даражада ўтаяпти. У ўзининг намунали хулқи, ҳарбий Низом ва тартиб-интизомга қатъий амал қилиши, жасур ва интилувчанлиги билан барча сафдошларига ибрат бўлмоқда. Шундай ҳақиқий посбон, ажойиб инсонни тарбиялаб вояга етказганлигингиз учун сизларга катта ва самимий миннатдорчилик билдирамиз. Шахсий ҳаётингизда ва келгуси ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз»...

— Бу хушхабардан ниҳоятда шод бўлдик, албатта, — дейди Назокат опа. — Ўғлимиз туфайли бизга кўрсатилаётган илтифотдан миннатдормиз. Шу ўринда командирларга ҳам оиламиз номидан ташаккур изҳор қилмоқчи эдим. Чунки ўғлим хизматда нимагаки эришаётган бўлса, аввало, унинг оилада намунали тарбия олганлигидан, бу ютуқлар пойдевори эса қисм ва бўлинмалардаги командирларнинг виждонан амалга ошираётган улкан меҳнатлари самараси деб биламан. Фикримча, аскар тартиб-интизом мустаҳкам йўлга қўйилган, ҳарбий Низом қоидаларига тўла амал қилинадиган, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, аскарларга ҳурмат-эътиборли ва ўз касбига фидойи зобитлар хизмат қилаётган қисм ва бўлинмалардагина ҳақиқий ва садоқатли Ватан посбони бўлиб етиша олади.

...Бобур 1996 йилнинг кузида аскарлик хизматини якунлайди. У ота-она, мактаб, маҳалла аҳли олдига ёруғ юз билан кириб боради. Зеро, Бобур Қуролли Кучларимиз сафидаги аскарлик хизмати давомида эга бўлган ажойиб фазилатлар: мустақил фикр қилиш, ўзининг она-юрти, жамият олдидаги масъулиятини чуқур идрок этиш, қаерда бўлмасин, ҳар бир ишга виждонан муносабатда бўлиш, ҳақгўйлик ҳамда самимийлик, меҳнатсеварлик ва садоқатлилик унинг учун бир умрга йўлчи юлдуз бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Назм дафтаридан

ОТАБЕК ЎТИНЧИ

Марғилон кўкида булут кўп,
Отабек мисоли йигит кўп,
Осмонни кўрмаган бургут кўп,
Танбурни қўлингга ол, дўстим,
Ҳайдалиш куйини чал, дўстим.

Фаргона парига юрт эди,
Ўзи ўт, сўзлари ўт эди,
Ўзи ё отаси кет деди,
Танбурни қўлингга ол, дўстим,
Ҳайдалиш куйини чал, дўстим.

Эй, буюк оҳанглар, ҳайдаманг,
Мен ёлғиз Тошкентга қайтаман,
Оҳим тош ёстиққа айтаман,
Эй, ҳамдард танбурни ол, дўстим,
Ҳайдалиш куйини чал, дўстим.

Дилмурод АБДУРАҲИМОВ,
фанлар бўйича республика олимиадаси иштирокчиси,
Фориш туманидаги 78-мактаб ўқувчиси.

ОНАЖОНИМ

Онажоним дея мен жар солайин оламга,
Меҳрибоним дея мен жон берайин онамга.
Гўзалликка, нур бағишлай, дардингга бўлай малҳам,
Ҳаётимдан воз кечайин, берай умрим волидам.
Ким бўлибман бу ҳаётда сени эъзозлолмасам,
Ким эканман, мен сенга суянчиқ бўлолмасам.
Ким мени фарзанд дейди бу номни оқлолмасам,
Ким мени инсон дейди, сенга озор етказсам.
Бор фарзандлар онага зор, кеча-кундуз йиғлайди,
Лекин борки онаси хор, юракларин тирнайди.
Бир кун келар, йиғлаб-сиқтаб афсуслар чекгай,
Балким қадрига етар, лек бир умр бахт кўрмагай.
Онажоним лаззатларим сенга берайин,
Билмам қай сўз билан номинг тилга олайин.
Бироқ билгум бир ҳақиқат сен табаррук инсонсен,
Пойинг кўзга суртамен, ки сен менинг онамсен.

Раъно ҚУРБОНОВА.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ ЭЪЗОЗИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-ўрта мактаб ўтган шанба куни меҳмонлар, ота-оналар, собиқ ўқувчилар билан гавжум бўлди. Бу ерда илм маскани ташкил этилганлигининг 80 йиллиги тантанали нишонланди.

Шу мактабда 50 йилга яқин самарали фаолият кўрсатган кекса педагог, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳамидулла Йўлдошев ушбу тантананинг ҳар бир иштирокчиси ташрифидан мактаб жамоасининг ғоятда мамнун эканлигини алоҳида таъкидлаб, ҳаётлари мактаб ҳаёти билан пайванд топган устозлар, шогирдлар, мактабнинг собиқ ўқувчиларини қутлуғ тўй-айём билан қизғин қутлади. Сўнгра у илм масканининг шонли тарихи, бугунги ҳаёти хусусида маъруза қилди. Чиндан ҳам мактабнинг кечмиш лаҳзалари ва лавҳалари ҳаётий рангларга бой, мазмундор, эътиборга молик. У нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамиз миқёсида намунали билим масканларидан бири ҳисобланади.

Бу қутлуғ даргоҳнинг нуфузи нима билан улчанади?! Гап шундаки, турли йилларда шу мактаб таҳсилини олган собиқ ўқувчилар орасида бугунги кунларнинг иккаласи ҳам ишлар, иш ҳақи учун кунига биттадан нон олишар экан. Биринчи аёл шу битта нонини бутунича ўглига берар ва сен кўзимнинг оқу-қорасисан, мен сенинг учун яшаяпман, сен соғ бўлсанг, омон бўлсанг, униб-ўссанг бўлгани деб ўғли тамадди қилиб бўлганидан кейин ундан озгина нон ёки ушоқлари қолса, шуни еб кифояланар экан.

Иккинчи бева аёл ишлаб топган битта нонини ҳар куни кечқурун дастурхон олдида тенг иккига бўлиб, ярмини ўглига берар ва ярмини ўзига олар экан. Бунда она ҳар гал ўглига панд-насиҳатларини канда қилмас экан:

Сен катта бўлиб, куч-қувватга тўлишинг, мен эса сенинг қўлингдан иш келгунча, мени боқадиган бўлгунингча соғ бўлишим ва сени оёққа тургазишим керак. Мен сени ақлли, халқимизга, жамиятимизга нафи тегадиган фарзанд сифатида кўришни истайман. Белимнинг кучи, кўзимнинг нури кетганда менга беминнат меҳр кўрсата оладиган фарзанд бўлиб етишасан деб ишонаман.

Орадан йиллар ўтибди. Бу икки аёл фарзандларини уйлантиришибди. Улар ҳам ўз навбатида фарзандли бўлишибди. Биринчи аёлнинг ўгли оиласи ҳақида қайғурмас, аксинча ҳали ҳам онасига боқиманда экан. Онасининг қариб, кучдан қолганини ҳис қилмай, ҳар гапида сен мен учун яшаяпсан, мени ва оиламни боқишинг керак деб, ҳатто уни ориш, қийнаш даражасига ҳам бориб етар экан.

Иккинчи аёлнинг ўгли эса: «Онажон! Сиз ўз бурчингизни ўтадингиз, энди мен катта бўлдим, қўлимдан иш келадиган бўлди, энди сизни боқиш менинг бурчим», — деб ҳар куни ишдан қайтгач, энг аввало, онасининг олдига кириб, ҳол-аҳвол сўраб, сўнг топганининг олдини онасига бериб, қолганини фарзандлари билан баҳам кўрар экан. Буни кўрган фарзандлари ҳам биринчи бувимга деб туришадиган бўлишибди.

Биз ижодий изланишимизда табаррук момоларимизнинг, боболаримизнинг маънавий меросини ўрганиб, комил фарзанд тарбиялашнинг омилларини баҳоли қудрат ишлаб чиқдик. Шулардан бири ота-она томонидан фарзандга бериладиган меҳр-муҳаббатнинг меъёрида бўлишидир.

Аммо меъёрдан ортиқ кўрсатилган меҳрибонлик болани меҳрсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун болаларингиз сизни келгусида чуқур ҳурмат қилишларини, меҳр-мурувват кўрсатишларини хоҳласангиз, узингиз ҳам ўз ота-онангизга, қайнона-қайнотангизга меҳр кўрсатинг, шунда буни кўрган фарзандларингиздан ҳам шубҳасиз сизга меҳр-мурувват қайтади.

Хуллас, боболаримиз меросини ўқиш ва яхшилаб ўқиш, ҳаётда уларга оғишмай амал қилиш, бу амалларни келгуси авлодга ўргатиб бориш ҳар бир маънавиятли, маърифатли инсон учун ҳаётий аксиомага айланмоғи лозим.

Раҳима МАМАТҚУЛОВА,
педагогика фанлари номзоди.

Мулоҳаза

Кимки бўлса, хуш чирою хуш қилиқ,
Доимо кўргай жаҳонда яхшилиқ,
Яхшилик тухми саодатлар берур,
Гар тикан эксанг оёғингга кирур.

(Алмаий)

МЕҲРНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?

Ота-онага меҳр-муҳаббатли бўлган, она сутини оқлаб, халқнинг ҳурмат шоҳсупасидан муносиб ўрин олган, халқ эъзозига муяссар бўлган фарзандлар бахтли келажагимиздир. Аммо шундай фарзандлар ҳам йўқ эмаски, улар ота-оналар учун фақат изтироб келтирадилар.

Нега бундай, бунинг сабаби нимада? Бу жумбоқли саволга жавоб топиш ниятида биз халқимизнинг маънавий меросига бир назар солишни лозим топдик.

Ота-онанинг фарзандига муҳаббати МЕҲР дейилиб, бу сўзнинг мажозий маъноси «қўёш» демакдир. Табиатдаги бор мавжудот қўёш ҳарорати билан тирик бўлганидек, фарзандлар ҳам ота-она меҳр-муҳаббати билан яйраб ўсади. Аммо шу қўёш ҳарорати меъёридан ошиб кетса, ўт-ўланларни қовжиратиб, бор жонзодни лоҳас қилади, ҳаёт мамотига сабаб бўлиши мумкин.

Хўш, фарзандларимизга бериладиган меҳр-муҳаббат меъёрининг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади?

Халқимиз меросига мурожаат қилсак ибратли ўгитлар топамиз. Мана улардан бири: шоҳ Кайковус ўз ўглига шундай насиҳат қилади:

« Ўглим, мен қаридим, сенга ҳаётим давомида ортирган тажрибаларимни ёзиб қолдирмоқдаман. Буларга амал қилсанг, асло кам бўлмайсан. Сен фарзандларингни яхши кўришинг табиий, чунки улар сенинг кўзингнинг оқу-қароси, ҳаётингнинг давомчиси, бунга шубҳа йўқ. Аммо фарзандинг сенинг жуда яхши кўришингни билмасин. Сен буни маълум даражада сир тут, йўқса унинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Меҳр-муҳаббатнинг ҳам меъёрида бўлгани яхши».

Сўнгра Кайковус бу ҳаёт ҳақиқатини қуйидаги қиёслама асосида тушунтиради: «Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ биландир. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғ фатиланиҳ (пиликнинг) бошига келиб, чироқ ўчади.

Ул ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидан мамотига (сўнишига) сабаб бўлди». «Қобуснома» (71-бет).

Халқимизнинг қуйидаги ривояти ҳам асрлар оша эъзозланиб келинади. Бир маҳаллада икки бева аёл бўлиб, уларнинг биттадан ўгиллари бор экан. Бу аёлларнинг иккаласи ҳам ишлар, иш ҳақи учун кунига биттадан нон олишар экан. Биринчи аёл шу битта нонини бутунича ўглига берар ва сен кўзимнинг оқу-қорасисан, мен сенинг учун яшаяпман, сен соғ бўлсанг, омон бўлсанг, униб-ўссанг бўлгани деб ўғли тамадди қилиб бўлганидан кейин ундан озгина нон ёки ушоқлари қолса, шуни еб кифояланар экан.

Иккинчи бева аёл ишлаб топган битта нонини ҳар куни кечқурун дастурхон олдида тенг иккига бўлиб, ярмини ўглига берар ва ярмини ўзига олар экан. Бунда она ҳар гал ўглига панд-насиҳатларини канда қилмас экан:

Сен катта бўлиб, куч-қувватга тўлишинг, мен эса сенинг қўлингдан иш келгунча, мени боқадиган бўлгунингча соғ бўлишим ва сени оёққа тургазишим керак. Мен сени ақлли, халқимизга, жамиятимизга нафи тегадиган фарзанд сифатида кўришни истайман. Белимнинг кучи, кўзимнинг нури кетганда менга беминнат меҳр кўрсата оладиган фарзанд бўлиб етишасан деб ишонаман.

Орадан йиллар ўтибди. Бу икки аёл фарзандларини уйлантиришибди. Улар ҳам ўз навбатида фарзандли бўлишибди. Биринчи аёлнинг ўгли оиласи ҳақида қайғурмас, аксинча ҳали ҳам онасига боқиманда экан. Онасининг қариб, кучдан қолганини ҳис қилмай, ҳар гапида сен мен учун яшаяпсан, мени ва оиламни боқишинг керак деб, ҳатто уни ориш, қийнаш даражасига ҳам бориб етар экан.

Иккинчи аёлнинг ўгли эса: «Онажон! Сиз ўз бурчингизни ўтадингиз, энди мен катта бўлдим, қўлимдан иш келадиган бўлди, энди сизни боқиш менинг бурчим», — деб ҳар куни ишдан қайтгач, энг аввало, онасининг олдига кириб, ҳол-аҳвол сўраб, сўнг топганининг олдини онасига бериб, қолганини фарзандлари билан баҳам кўрар экан. Буни кўрган фарзандлари ҳам биринчи бувимга деб туришадиган бўлишибди.

Биз ижодий изланишимизда табаррук момоларимизнинг, боболаримизнинг маънавий меросини ўрганиб, комил фарзанд тарбиялашнинг омилларини баҳоли қудрат ишлаб чиқдик. Шулардан бири ота-она томонидан фарзандга бериладиган меҳр-муҳаббатнинг меъёрида бўлишидир.

Аммо меъёрдан ортиқ кўрсатилган меҳрибонлик болани меҳрсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун болаларингиз сизни келгусида чуқур ҳурмат қилишларини, меҳр-мурувват кўрсатишларини хоҳласангиз, узингиз ҳам ўз ота-онангизга, қайнона-қайнотангизга меҳр кўрсатинг, шунда буни кўрган фарзандларингиздан ҳам шубҳасиз сизга меҳр-мурувват қайтади.

Хуллас, боболаримиз меросини ўқиш ва яхшилаб ўқиш, ҳаётда уларга оғишмай амал қилиш, бу амалларни келгуси авлодга ўргатиб бориш ҳар бир маънавиятли, маърифатли инсон учун ҳаётий аксиомага айланмоғи лозим.

Раҳима МАМАТҚУЛОВА,
педагогика фанлари номзоди.

Тил билган эл билар

«ОЛТИН КАЛИТЧА» ДАСТУРИ

Шу кунларда халқимиз буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигини зўр тантана билан нишонламоқда.

Ўзбекистон радиоси «Маориф ва тарбия» бош муҳарририяти ҳам кичкинтойларга, уларнинг ота-оналари ва тарбиячиларига ўз туҳфасини тақдим қилади. 9 апрелдан эътиборан «Келажак тонги» эшиттиришлари саҳифаларида «Олтин калитча» дастури ўрин олади. Дастур мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларига қаратилган бўлиб, уларга инглиз тилидан дастлабки сабоқларни бериб боради. Чунки, ҳаммамизга маълумки, бола ўз она тили билан бирга хорижий тилларни урганиб борса ҳам кам бўлмайди. Хорижий тилларни ўрганаётган болалар ўзлари учун олам-олам китоблар, янги дўстлар янги мамлакатларни кашф этадилар. Шу боисдан ҳам, дастур «Олтин калитча» деб номланди. Болалар радиоэшиттиришларни мунтазам тинглаб борсалар, мамлакатимизга келган хорижий меҳмонлар ва ишбилармон, тадбиркор ва иқтисодчилар билан мулоқотга киришиб кетишларига замин яратган бўладилар.

«Олтин калитча» дастурини ташкил этишда давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси, Улуғбек номли истеъдодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш Республика жамғармаси ҳамда америкадаги «АКСЕЛС» таълим маркази ташаббускорлик кўрсатишди.

Дастур бўйича инглиз тили сабоқларини тажрибали мутахассислар олиб борадилар. Машғулотлар матни пойтахтимиздаги 269-болалар боғчасида тажрибадан ўтиб, обдон синалган. Оила шароитида бу сабоқларни магнит тасмасига тушириб бориш ва ўз навбатида ҳафта давомида машғулотларни қайта-қайта такрорлаш имконияти яратилади.



«АМИР ТЕМУР ҲИКМАТЛАРИ» муаммономаси

Азиз муштарий! Аввал қуйидаги Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансуб ҳикматларда яшириниб, рақамларда ифодаланган очқични ҳал этинг.

1. Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан — 1, 15, 19, 1, 8.

2. Улкан — 6, 25, 5, 9, 13. Доимо улкан мухолифлик туғдиради.

3. Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ — 18, 7, 1, 21, 12, 2.

4. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб — 23, 2, 22, 2, 7. йўлларини мулжаллаб қўй.

5. Шижоатли кишиларни — 12, 24, 13, 14. тут чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

6. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва — 6, 1, 7, 16, 1, 5, 1, 14.

қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

7. Ишон — аммо — 7, 3, 17, 10, 1. қил.

8. Бирни кўриб — 15, 2, 4, 5. қил, бирни кўриб шукур.

9. Яхшини — ёмон кунда — 13, 2, 20, 1.

10. Вақт ўтгандан кейин қиличнгни тошга — 23, 9, 11.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда аён бўладиган яна бир ҳикмат Амир Темур ҳаётида қатъий эътиқод қўйган ва ҳамиша амал қилган беш нарсанинг бирига мансуб.

Фозилжон ОРИПОВ.

Хуллас...

ОЙЛИК ЎРНИГА КАРТОШКА

Свердловск вилоятининг Тавди шаҳрилик тўрт яшар болада аллергиянинг антиқа кўриниши пайдо бўлди. Ундаги тошмаларни кўргач, дўхтир боланинг онасига «ўғлингиз жуда шоколадхўр экан» дея танбеҳ берди. Бу аёлга жуда қаттиқ ботди. Чунки, фарзандига яқин орада ширинлик олиб бермаган экан. Кейин аниқланишича, тошмалар боланинг кўп картошка истеъмол қилиши оқибатида юзага келган. Сабаби, она ишлаётган боғчада ойлик ўрнига картошка берилаётганмиш.

МИККИ МАУСНИНГ ПРОТОТИПИ ГАРАЖДА

Америқолик мультипликатор-режиссёр Уолт Дисней номини бутун жаҳон биларди. Лекин унинг машҳурлик пиллапояси гараж остонасидан бошланганини кўпчилик билмаса керак. Мусаввир бўлишни орзу қилган Дисней ўқишга ёки студия сотиб олишга маблағи бўлмаганлиги сабабли, отасининг эски гаражида иш бошлади. Бир куни у сичқон тутиб олди ва уни қўлга ўргатди...

Холливудда мультфильмлар сериясини ишлаб юрган пайтларида бирдан ўша сичқон эсига тушади ва ушбу тахлит Микки Маусни яратиш ғояси туғилади. Кейинчалик сичқончага Дональд лақабли ўрдакча ҳам қўшилди.

ОМАД РАҚАМ ТАНЛАМАЙДИ

Литванинг Радвилишкис шаҳрилик 15 ёшли Артурас Рагаускасга омад кулиб боқди. У «Олимпас 3х2» лотереясига автомобиль ютди. Йигитча анчадан буён лотерея ўйнаб келади. Бу сафар ютуқ айнан 15 рақамига чиқди.

Артураснинг отаси машинани эмас, унинг пулини олмоқчи, Пулнинг миқдори қанча эканлигини айтмасада, квартира ва болаларнинг совғаларига бемалол етади, демоқда бахтли ота.

ЦИРКНИ ДУОЙИ ФОТИҲА ҚИЛДИ

Перм циркининг артистлари кетма-кет муваффақиятсизликларга учрай бошлади. Гоҳ у дастур, гоҳ бу дастурдаги узилишлар кўпайиб кетди. Раҳбарлар ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келишди: циркка ёвуз руҳ ўрнашиб олган. Шу боис, руҳонийни чорлаб, дуойи фотиҳа билан у руҳни даф этмоқ керак. Гарчи, циркда турли миллат вакиллари ишлашса-да, бу қарор ҳаммани хурсанд этди.

ана шунақа гаплар.

Ўмр савдоси

ЭРТА КЕЛИН ТУШИРИШ...

Қадим-қадимдан туркий халқлар орасида бир ажойиб анъана бор. У ҳам бўлса, қиз боланинг туғилганидан бошлабоқ, ота-она тарафидан ҳамиша одоб, ҳаё доирасида сақланиши, унга алоҳида эътибор берилиши, иложи борича юмшоқ муомалада бўлишдир. Уларга, айниқса ёшлигидан ҳовли супуриш, идиш-товоқ ювиш ёки булмаса, оддий қилиб айтганда, овқатланишдан аввал ва кейин қўлларга сув қуйишдек кичик амалларни ўргатиб бориш ижтимоий ҳаётимизда қанчалар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч қайсимизга сир эмас. Жажжигина қизча қўғирчоғини тинимсиз эркалаттанини, асраб-авайлаганини беихтиёр кўриб қолсак, чексиз қувонишимиз, юракларимиз ҳою ҳавасларга тўлиб-тошиши ҳам табиий. Чунки аёл ўз фарзандини ардоқласа, бу турмуш ўртоғига нисбатан меҳри кучли дегани, турмуш ўртоғини севдими, шубҳасиз ҳаётга, оилага, барча яқинларига ҳурмату садоқатдалигидир.

Аммо... Эркаклар-чи? Эркаклар дунёсида нима гап?.. Ахир ҳар бир саволнинг, аниқроғи, мурувватнинг бутунлай жавобсиз қолиб кетиши адолатдан эмас-ку!.. Бу ўринда ҳаётий бир мисолни эътиборингизга ҳавола этиб қўя қолсам мақсадга мувофиқ бўлармиди?

Фарғонанинг Бачқир қишлоғилик Адҳамжон ва Муҳаббатхонлар бир-бирларини жуда қаттиқ севишган. Кейинчалик турмуш ҳам қуришди. У пайтда Муҳаббатхон атиги 16 да эди, холос. Йиллар ўтди. Улар ҳамон бир-бирининг кўзларига ўткир муҳаббатга тўла ниғоҳ билан боқишар, сру кўкка ишонмас, ҳамма бу икки «ошиқ-маъшуққа» фақат ҳавас билан термулиб қоларди. Орада бир ўғилли ҳам бўлишди. Лекин фарзандлари мактаб ёшига етганда, Муҳаббатхон тасодифан оғир касалга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Бир оз муддат ўтиб тилдан — сўзлашиш бахтидан ҳам ёнасиб бўлди. Оила, рузғор ташвишлари, қолаверса, беморнинг узукун парвариши Адҳамжоннинг зиммасига тушди. Аввалига у ҳеч нарса сезмагандек ҳамма юмушларни астойдил адо этди. Жуфти ҳалолини ҳам илгаригидай севишни, ҳурматлашни, унинг иссиқ-совуғидан тинимсиз хабардор бўлишни канда қилмади.

Афсуски, орадан олти ой ўтиб аҳвол тамоман бошқача тус ола бошлади. Адҳамжон ҳамма нарса «жонига теккан»ини рўкач қилиб, ота-онасининг олдига тез-тез кетиб қоладиган, касал хотинини бесабаб силтаб ташлайдиган, кейинчалик эса, ҳаёсизларча уйга бегона аёлларни олиб келадиган одат чиқарди. Номус азобига чидолмаган Муҳаббатхон оғир-оқибатда, тилсиз бўлса-да, эрини имо-ишоралар билан ҳайдаб солишга мажбур бўлди. Тўғри, у ҳеч кими йўқ уйда хору зор бўлиши мумкин эди. Яхшиямки, бахтига қўшнилари бор экан. Улар навбати билан Муҳаббатхонни ўз эридан ҳам минг чандон зиёда қилиб ҳанузгача парваришлаб келишмоқда. Айнан шу лаҳзаларни кутиб юрган «эр» эса зудлик билан бошқага уйланиб олди... Бир ой ўтар-ўтмас «янги куёв» негадир ёлғизланиб қолибди...

Қизиқ, биз ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган, яъни йигит-қизларни жуда эрта рўзғор ташвишларига кумиб қўйишдек хунук одат ана шундай натижаларга олиб келмаяптимикан?..

Бу ҳусусда ҳожикентлик Гулжамол ая қуйидаги мазмунда куюниб сўзлайди: «Менинг 2 нафар қизим бор. Ёшлигидан уларнинг туриш-турмушига алоҳида эътибор бердим. Уларни тарбиялар эканман, шубҳасиз, оламдан яхши ниятларни дилимга тугдим. Қизларим келажакда ўқиса, ор бўлса-да мустақил мулоҳаза юрита оладиган, турмушнинг аччиқ-чучукларига бардошли инсонлар бўлиб етишса, дедим. Лекин, мана, улар 16 га қадам қўйибди ҳамки, остонамдан совчи узилмай қолди. Узатиб қўяқолсаммикан, дессам, қизчалар ҳали ҳаётга айтарли тайёр эмас. Кузимни чирт юмиб, иккаласининг ҳам маълумотли, келгуси оилавий тарбияси билан машғул бўлиш учун эса, вақт ўтиб уларнинг назаридан қолиб кетишидан, атрофдагиларнинг ортиқча гап-сўзларидан қўрқаман»...

Ҳа, аянинг гапларида жон бор. Биз азалдан шунақа халқмиз. Балоғатга етиб-етмаган қизларни сираям ўз ҳолига ташлаб қўслмаймиз. Иложи борича тезроқ келин қилиб туширишга интиласрамиз. Уларнинг старли маълумот, касбга эга бўлиши, ҳақиқий ҳаётга ўзларини обдон тайёрлаб олиши, тиббиёт тили билан айтганда эса, том маънодаги оналик имкониятларини вужудларида тулақонли мужассам этиб билишлари тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Севги, ёки бунинг негизида пайдо бўладиган янги оилани фақат ширин ҳиссиётлардангина иборат деб тушунган усмир қиз-йигитлар, охир-оқибатда, бир-бирларининг «кушанда»ларига, қолаверса, ижтимоий жабҳанинг энг бахтсиз кишиларидан бирига эврилиб қолишлари мумкинлигини тасаввур ҳам эта олмайдилар-ку, ахир!..

Биз турмушдаги ана шундай мумоларимизни бутқул бартараф этишимиз, ёшлар келажагини узил-кесил фаровонлик, тотувлик, кучли меҳр-оқибат даражасига етказа олишимиз учун Европа ижтимоий маданиятининг баъзи бир ўзбекона анъаналаримизга мос келадиган томонларини чуқур ўзлаштиришимиз керакка ўхшайди...

Европада йигит-қизлар энг аввало бир-бирига астойдил кўнгил қўйишдан олдин ўзи танлаган инсон билан тинч, бахтиёр яшаб кета олиш-олмаслиги, уни юракдан сева билиши ёхуд йўқлиги тўғрисида чуқур мулоҳаза юритар эканлар. Бу хислатларга ҳақиқатан ҳам эга бўлиш имкониятини ўзида астойдил ҳис эта олган тақдирдагина никоҳга мойиллик билдираркан.

Кўриниб турибдики, бу даражада мулоҳаза юрита олиш қўлами фақат 20—25 ёш оралиғидагина кечиши мумкин. Қизларимизни ойларга, йилларга қиёслаш, севиш, ардоқлаш, ҳатто уларга дунёни бахшида этиш жуда ҳам осон. Лекин ҳамма ҳавас этса арзигулик ота-оналар бўлиш ўта мушкул тилсимотдир. Шунинг учун ҳам, айниқса, қизлар тақдири ҳусусида қаттиқ қайғура оладиган ҳар бир виждонли инсон «умидлар водийси»да узоқ вақт эринмасдан сайр этиши, ундаги мавжуд суқмоқларнинг барчасини обдон ўрганиши керак бўлади.

Олимжон ҲАЙИТ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Э Ъ Л О Н

ТДИУ (Тошкент давлат иқтисодиёт университети) қошидаги Республика Иқтисодиёт лицейи томонидан Сидиқов Шуҳрат Аҳмаджонович номига 1995 йил 23 июнда берилган ўрта маълумот тўғрисидаги АО 231047 сонли шаҳодатнома йўқолгани боис бекор қилинади.

ГЎЗАЛЛИКНИ СЕВАР БОЛАЛАР

Соғлом авлод учун

Шайхонтоҳур туманидаги 211-болалар боғчасининг ташкил этилганига 30 йилдан ошди. Бугунги кунда ушбу масканда 100 га яқин болалар тарбияланмоқдалар.

— Боғчамизга сил касалликка чалинишининг олдини олиш мақсадида шу хасталикка чалинган ота-оналарнинг фарзандлари ҳамда тез-тез шамоллаб турадиган кичкинтойлар махсус йўлланма орқали қабул қилинади, — дейди биз билан суҳбатда боғча мудираси Матлуба опа Абдурашидова. — Биз ўз тарбиямиздаги болаларнинг касалликка чалинмасликлари ва бақувват бўлиб ўсишлари учун даволаш ишларини олиб борамиз. Улар уч ойдан бир йилгача ҳамда қайсики оиласи ёки авлодида сил касаллиги билан хасталанган беморларнинг фарзандлари бўлса, мактаб ёшига етгунларига қадар бизнинг қарамоғимизда бўладилар.

Икки қаватли шинам бинонинг хоналари ва залларида ҳамма нарса муҳайё. Болаларнинг ёшига қараб 4 та гуруҳ ташкил этилган. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ювиниш хоналари, ётоқхона, машғулот ўтказиладиган ва бошқа ёрдамчи хоналар ўзига хослик билан саранжомсаришта қилиб қўйилган.

Боғчада 20 дан ортиқ тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилари бўлиб, улар болалар билан турли-машғулотлар ўтказадилар. Вазира Комилова, Ира Гайнутдинова, Маргуба Шокирова, Мукаббар Каримова каби тарбиячилар ҳамда Хадича Эркабоева, Машҳура Ашурова, Мавжуда Умарова каби тарбиячи ёрдамчиларининг ишларидан ота-оналар хурсанд. Мусиқа тарбиячиси Саодат Ҳусниддинова ҳар бир боланинг руҳиятига қараб мусиқа машғулотларини олиб боради. Шунингдек, шифокор Римма Надершина ва тиббий ҳамшира Мавлуда Юсуповалар болаларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб турадилар.

Бу ерда болалар кеча-кундуз давомида тарбиячилар ихтиёрида бўладилар. Уларни олти маҳал овқатлантириш йўлга қўйилган. Овқатларнинг тўйимли, сифатли бўлишида Дилобар Ражапова бош бўлган қўли ширин ошпазларнинг меҳнатини таъкидлаб ўтиш керак.

Хайрлашиш чоғи, мусиқа залидан кичкинтойларнинг шўх қўшиқлари янграб қолди. Азбаройи қизиқишдан ўша томонга йўл олдик. Бу ерда кичкинтойлар қувноқ шеъру қўшиқлар айтишар, рақсга тушишар эди.

Бола қаерда бўлмасин, унинг табиатида болаларга хос ҳар нарсага қизиқувчанлик, гўзалликка интилувчанлик сақланиб қолади. Шуларни ҳисобга олиб, ҳар бир байрамни тантанали нишонлашга ҳаракат қиламиз, — дейди мусиқа раҳбари Саодат Ҳуснутдинова.

Дония ЗОКИРОВА.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва «ХВС» хусусий фирмаси 3 ойлик қисқа муддатли ўқишларга таклиф этади:

1. Сартарош-услубчи. 2. Котиба-референт. 3. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиячиларини тайёрлаш. 4. Телевизор, радио усталари. 5. Менеджмет ва маркетинг асослари. 6. Ҳисобчи (бухгалтерлик). 7. Инглиз тили.

Битирувчиларга ўқиш тугагандан сўнг ўзбек ва инглиз тилларида битикли диплом берилади. Йиғилиш муддати 28 апрель ва 4 май соат 14 да.

Маълумотлар учун телефонлар: 56-85-58 кундузи, 35-04-62 соат 15 дан 22 гача ва 34-04-87 соат 9 дан 22 гача.

Манзилимиз: Ота-турк кўчаси 24-уй (собиқ «Билимлар уйи»), 1-қават, 8-хона.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6